

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 4/410

ИМОМНАЗАРОВА ГЎЗАЛ МУРОДИЛОВНА

ТОҲИР МАЛИК АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

5А 220102– Лингвистика (ўзбек тили)
мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Г.РОЗИҚОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Фарғона – 2013

Мазкур тадқиқот иши Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Кафедра мудири:

Ш.Искандарова,
филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:

И.Мадраҳимов,
филология фанлари номзоди,
ҚДПИ доценти

Б.Қурбонова,
филология фанлари номзоди,
ФарДУ доценти

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади”.¹ Тоҳир Малик ҳам ўз асарлари билан маънавий тарбияга ҳисса қўшиб келаётган ижодкор. Унинг насрий асарларини лингвистик асосда ўрганиш ўзбек лингвопоэтикасига хос муаммоларни маълум даражада ҳал этиши мумкин. Бу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади. Тоҳир Малик асарларининг лингвистик хусусиятларини таҳлил этиш.

Диссертация вазифалари. Фонетик, морфологик ва лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш; кўчим, ибора ва мақолларнинг ёзувчи ижодига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. “Одавийлик мулки”, “Сўнгги ўқ”, “Энг кичик жиноят” асарлари, ўзбек лингвопоэтикасига доир умумназарий маълумотлар.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Фалсафага оид диалектик методлар, Президентимиз асарлари, тавсифий, систем-структур ва компонент таҳлил усуллари.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Ўзбек тилшунослигида илк бора ёзувчи асарлари лингвистик асосда текширилди; ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳорати, кўчим, ибораларнинг асар бадиий-эстетик қимматини оширишдаги роли, адиб асарларида қўлланган мақолларнинг

¹ Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. —T.: Ma'naviyat, 2008. B.4.

лексик-семантик, услубий ва синтактик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Диссертация материалларидан ўзбек лингвопоэтикаси муаммоларини ўрганишда, нутқ маданияти, прагматика фанларидан махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Иш кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тадқиқотнинг асосий мазмуни республика илмий тўпламларидаги 3 тезисда акс этган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Насрий асарларни лингвопоэтик асосда тадқиқ этиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

ABSTRACT OF DISSERTATION FOR MASTER'S DEGREE

Significance of the study: “We are doing our best to bring up stronger, more intelligent and of course happier generation and the role of moral education very important in this term”¹. Tahir Malik also has great contribution to the moral education. Studying his prose linguistically might solve lingua-poetry problems to some extent. It shows the significance of the topic.

Purpose of the study: to analyze linguistic characteristics of Tahir Malik's works

Objectives of the dissertation:

- to study phonetic, morphologic and lexical-semantic features;
- to analyze peculiarities of writer's metaphors, expressions and proverbs ;

The research area: Works: “Humanitarian treasure”, “The last bullet”, “Petty crime”; theoretical data related to Uzbek lingua-poetry.

Methods of research: dialectal methods related to philosophy, the President's works, descriptive, system-structural and component methods of analysis.

The novelty value of research findings: it is the first time the writer's works have been investigated linguistically; the role of writer's word choice, metaphors, expressions to increase the literary-aesthetic value of work, lexical-semantic, methodological and syntactic features of proverbs used in writer's works were studied.

¹ I.A. Karimov 2008. The lofty morality is invincible power

Practical significance and application of the research: findings of research are available to study the problems of Uzbek lingua-poetry, to organize special courses and seminars on the art of ethics, pragmatics.

Structure of the research: dissertation consists of introduction, three main chapters, conclusion and references.

Results of the study: the content of the research has been issued in three theses of scientific volumes of the Republic.

Concluding remarks: investigation of prose lingua-poetically has great scientific and practical significance.

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ.....	8
-------------------	----------

I Боб. Тоҳир Малик асарларининг фонетик ва морфологик хусусиятлари

1.1. Фонетик хусусиятлар.....	14
1.2. Морфологик хусусиятлар.....	24
I боб бўйича хулоса.....	28

II Боб. Тоҳир Малик асарларининг лексик-семантик хусусиятлари

2.1. Адиб асарларида қўлланган лексемаларнинг мавзуй гуруҳлари.....	30
2.2. Кўчим турларининг адиб асарларида қўлланилиши.....	40
II боб бўйича хулоса.....	55

III боб. Тоҳир Малик асарларида барқарор бирикмаларнинг қўлланилиши

3.1. Фразеологик бирликларнинг адиб асарларида тутган ўрни....	57
3.2. Тоҳир Маликнинг мақоллардан фойдаланиш маҳорати.....	67
III боб бўйича хулоса.....	86

Хулоса.....	88
--------------------	-----------

Адабиётлар рўйхати.....	91
--------------------------------	-----------

Кириш.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарида “Эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатидан янги технологияларни жадаллик билан яратиши, жамиятнинг янги ҳолатга ўтишини таъминлаши лозим”¹, деб таъкидлаганлар. Бу фикрлар ўзбек тилшунослиги фанига ҳам тааллуқлидир. Тилшунослик соҳасида ҳам замон талабларига жавоб берадиган етук тадқиқотлар яратиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

“Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно – моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий – маърифий, таълим – тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”². Юртимизда бундай ислохотларнинг амалга оширилишида бадиий асарларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Айнан бадиий асарлар ёшларни мустақил фикрлайдиган, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифа тил бирликлари орқали амалга оширилади. Бирон – бир ёзувчи ижодига хос бадиий асарларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш орқали давр тилига хос хусусиятлар ҳақида маълум хулосалар чиқариш

¹ Karimov I. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. T.: "O'zbekiston", 2011. B.78.

² Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. — T.: Ma'naviyat, 2008. B.75.

мумкин. Зеро, ҳар қандай миллатнинг маънавияти, дунёқараши, урф – одатлари ва қадриятлари унинг тилида тўла-тўқис акс этади.

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади”.¹ Истеъдодли ёзувчи Тоҳир Малик ҳам ўз асарлари билан ёшларнинг маънавий тарбиясига ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан биридир. Унинг насрий асарларига хос лингвистик хусусиятларни ўрганиш орқали ўзбек лингвопоэтикасига хос муаммоларни ҳал этиш ва мустақиллик даврида яратилган бадиий адабиёт тилига хос хусусиятлар ҳақида маълум хулосалар чиқариш мумкин. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвистика билан поэтика узвий алоқада, бир томирдан ўсиб чиққан икки шохчалиги, лингвистика бадиий матнни тушунтириш, шарҳлаш эҳтиёжи билан герменевтика талаби асосида филология бағрида шаклланиши барчага аён. Лекин кейинчалик қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ривожланиши, айниқса, В.Гумбольдт томонидан тилшунослик назариясига асос солиниши билан тилшуносликнинг адабиётдан узоқлашиши, ҳар иккиси мустақил ҳаёт йўлига эга бўлишига олиб келди. Айниқса, австриялик тилшунос Г.Шухардт тилшуносликнинг ўзининг текшириш методи бидан филологиядан тамомилан фарқ қилишини, тилшуносликни филология таркибидан айро ҳолда ўрганишни кўтариб чиқди.²

¹ Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. —Т.: “Ma'naviyat”, 2008. В.4.

² Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. —М., 1950.

Ана шунинг натижасида, айниқса, структур тилшуносликнинг глоссематика йўналишида тилшунослик билан адабиёт ўртасида жарлик пайдо бўлди. Бу эса сўзнинг бадиий-эстетик вазифасини илмий асосда объектив тушунтириб беришга халақит берарди. Мазкур ҳолатни сезган Прага структуралистлари сўзнинг сеҳри, бадиий-эстетик вазифасини ёритишни лингвистика объекти доирасига қайтардилар.¹ Ўзбек тилшунослигида ҳам бадиий тил стилистикаси ва лингвопоэтикага бағишланган бир қатор тадқиқотлар майдонга келди. Р.Қўнғуров, С.Каримов, Ҳ.Дониёров, Б.Йўлдошев, М.Йўлдошев, Н.Афоқова, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, Н.Тўланова, С.Боймирзаева, Д.Неъматова² сингари қатор тадқиқотчиларнинг бу борадаги самарали фаолиятларини алоҳида таъкидлаш лозим. Лекин кўрсатиб ўтилган аксарият тадқиқотчиларнинг ишларида назмий асарларга хос тил хусусиятлар таҳлилга тортилган. Насрий асарларнинг лингвопоэтик хусусиятлари бирмунча кам ўрганилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасининг илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Тоҳир Малик асарларининг фонетик, морфологик, лексик, синтактик ва стилистик хусусиятларини ёритиш, шунингдек, унинг образ яратишда

¹ Нурмонов А. Танланган асарлар, 3-жилд. —Т.: “Академнашр”, 2012. Б.43

² Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. —Т.: Фан, 1977; Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. —Самарқанд: СамДУ, 1994; Дониёров Ҳ., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. —Т.: Фан, 1988; Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. —Самарқанд: СамДУ, 1982; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. НДА. —Т., 2000; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. НДА. —Т., 1997; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири – 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. НДА. —Т., 2004; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. НДА. —Т., 2007; Тўланова Н. Тўқсонинчи йиллар ўзбек шеърияти тилидаги бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили. НДА. —Т., 2008; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. НДА. —Самарқанд, 2004; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили. НДА. —Т., 2004.

тилнинг ифода имкониятларидан фойдаланишини ўрганиш диссертациянинг асосий мақсади саналади.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда назарда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади:

- Тоҳир Малик асарларининг фонетик хусусиятларини аниқлаш;
- Тоҳир Малик асарларига хос айрим морфологик хусусиятларни тадқиқ этиш;
- Тоҳир Малик асарларининг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш;
- Кўчим турларининг ёзувчи ижодига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Адиб асарларида қўлланган ибора ва мақолларни ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг тадқиқ объектини Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки”, “Сўнгги ўқ”, “Энг кичик жиноят” асарларига хос лингвистик хусусиятлар ташкил қилади. Ўзбек лингвопоэтикасига доир умумназарий маълумотлар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг миллий ғоя, маънавий қадриятга муносабат ва илм-фан тараққиёти билан боғлиқ қарашларига ва фалсафага оид диалектик методларга таянилди, тадқиқотда тавсифий, систем-структур ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Ўзбек тилшунослигида илк бора Тоҳир Малик асарлари лингвистик асосда текширилди;
- Адиб асарларининг фонетик хусусиятлари ўрганилди, фонетик ҳодисаларнинг бадиий асарлардаги ўрни ва вазифаси кўрсатиб берилди;
- Тоҳир Малик асарларининг ўзига хос морфемик ва морфологик хусусиятлари ўрганилди;
- Ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳорати ёритилди;
- Кўчим турларининг Тоҳир Малик асарлари бадиий-эстетик қимматини оширишдаги роли кўрсатилди;
- Ибораларнинг бадиий асарларда тутган ўрни ёритилди;
- Тоҳир Малик асарларида қўлланган мақолларнинг лексик-семантик, услубий ва синтактик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари ўзбек тилининг лингвопоэтикаси муаммоларини ўрганишда алоҳида илмий қимматга эгадир. Шунингдек, диссертациянинг назарий хулосаларидан нутқ маданияти, прагматика ва социолингвистика фанларидан махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси бўйича 2012-2013-йилларда Фарғона ва Наманган давлат

университетларида ўтказилган анъанавий илмий-назарий анжуманларда маъруза қилинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 93 саҳифани ташкил этади.

БИРИНЧИ БОБ.

ТОҲИР МАЛИК АСАРЛАРИНИНГ ФОНЕТИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Фонетик хусусиятлар

Бадиий асар тилининг таъсирчан бўлишида тил элементлари катта ўрин тутди. Улар воқеа-ҳодисаларни ёритишда, характерларни очишда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳар бир ижодкор бадиий тилнинг ифода воситаларини ўз ўрнида тўғри қўллай билишга ҳаракат қилади. Бу хусусда тилшунос Э.Қиличев “Умумхалқ тилидан ажралган бадиий тил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ижодкорлар асар ёзиш жараёнида умумхалқ тилидан маълум сўзларни танлаб олиб, унга сайқал бериб қўллайдилар,” деб таъкидлайди.¹

“Бадиий нутқда тил меъёрининг услубий хусусиятларига мақсадли мурожаат қилинади. Меъёрга нисбатан ҳар бир чекиниш “қонунийлашган” ҳолда пайдо бўлади, чунки тил бирликлари эстетик мазмунни, образлиликни шакллантирувчи воситалардандир. Фақатгина бадиий асар матнида экспрессивликни ифодалаш мақсади ва ундан кутиладиган натижа мувофиқ келади. Бадиий услуб шу жиҳатдан ҳамда матн тузилишида нутқ шахсининг акс топиш жиҳатига кўра бошқа услублардан кескин фарқ қилади. Бадиий нутқ шахсий образли нутқий фаолиятнинг умумадабий тил меъёрлари билан бир бутун тарзда бирикиши натижасида вужудга келади. Бунда луғавий ва

¹ Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент. 1985. Б..53

грамматик бирликлар, синтактик қолиплар танлови онгли равишда, меъёрга мос ҳолда амалга оширилади. Ҳатто, меъёрдан чекинишлар аниқ бадиий мақсад йўлида, чекиниш натижаларини англаган ҳолда юзага келади.

Ёзувчининг борлиқни образли, юқори даражадаги ҳис – туйғу, экспрессия, ғоя асосида кўриши, ўзлаштириши рецептив, яъни идрок этиш истеъдоди намунасидир. Ўзлаштирилган борлиқнинг барча муҳим томонларини моҳирлик билан, эстетик завқ билан махсус шаклда қайта ифодалаш, баён қилиш ҳамда уни ўзгаларга етказиш истеъдоднинг яратиш ёки қайта яратиш имконияти юқори эканлигидан гувоҳлик беради. Ёзувчи бундай яратиш фаолиятида тилнинг бадиийликни ифодалаш имкониятларидан моҳирона фойдаланади”.¹

Бадиий адабиёт нутқ услубларининг умумлашмаси сифатида майдонга чиқади. “Борлиқ ҳодисаларини образли йўсинда акс эттирувчи бадиий адабиёт инсон кўп қиррали фаолиятининг барча томонларини акс эттиради”.² Ёзувчилар ўз асарларида тилнинг бадиийликни ифодаловчи имкониятларидан фойдаланар эканлар, унинг эстетик вазифасининг тўла амалга ошишига ҳаракат қиладилар. Тоҳир Малик асарлари ҳам ўзбек тилининг бой имкониятлари, гўзал бадиий кўринишларини намоён этувчи ифода воситаларига эга. Тоҳир Малик тилни ўз эстетик ниятига усталик билан хизмат қилдирган адиблардан биридир.

Тил алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системаси бўлибгина қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Тилнинг таъсир қилувчи кучи бадиий адабиёт орқали намоён бўлади. Бадиий асарларда қўлланилган фонетик, морфологик, лексик ва бошқа тил бирликларининг бадиий-

¹ Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. НДА. –Самарқанд, 2004. Б.7.

² Ўзбек тили лексикологияси. —Т.: Фан, 1981.

эстетик функцияларини алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

“Маълумки, нутқда инсоннинг фикри билан бирга унинг руҳий олами ҳам ўз ифодасини топади. Нутқдаги ошкора ва яширин маъноларни тадқиқу таҳлил қилиш, инсоннинг ўзлигини нутқи орқали намоён этиши каби масалаларни ўрганиш бугунги ўзбекона тафаккур тарзи, миллий мафкура ва миллий ғоя тушунчаларининг моҳиятини очишда муҳим ўрин тутди. Шу нуктаи назардан инсоннинг объектив оламдаги ижтимоий фаолиятининг инъикоси бўлган унинг “ҳаракат”даги, “жонли” нутқини тадқиқ этиш фақат назарий тилшунослик учунгина эмас, балки унинг психоллингвистика, социоллингвистика, лингвистик география, коммуникатив тилшунослик, нейролингвистика каби умумтармоқлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир”.¹

Фонетика бирор тилдаги нутқ товушларини, унли ва ундошларни, уларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини, бир-биридан фарқларини ўрганади, комбинатор, позицион ўзгаришлар ва уларнинг вариантлари ҳақида баҳс юритади.

Фонетик сатҳ нутқ товушларини ўрганувчи соҳа бўлиши пировардида нутқ товушлари нутқнинг ҳосил бўлишида энг муҳим бирлик бўлгани боис, матнни таҳлил этишда муҳим ўрин тутди.

Фонетик стилистика товушларнинг бир-бирига боғланишидаги экспрессив-стилистик имкониятларни, нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганади.

Тил бирликларининг услубий хосланиши ўз навбатида нутққа ҳам таъсир ўтказади – нутқ ҳам услубий хосланишларга эга бўлади.

¹ Ҳакимов М. Ўзбек тили прагматикасини ўрганиш. —Фарғона, 2011. Б.5.

Г.Рихсиева бадий тилнинг фонетик томонларини ўрганувчи йўналишни “поэтик фонетика” деб номлайди ва “бунда бадийликни таъминловчи унсурлар сифатида товушлар тадқиқ этилади. Яъни услубни яратишда ўзига хос товуш ўзгаришлари, урғунинг берилиши, уларнинг ўқувчи тасаввурига таъсири ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Масалан, бадий асарлардаги товуш туширилиши, товуш орттирилиши, товушларнинг ўрин алмашиши кабилар”¹ шулар жумласидандир.

Бадий асар тилини шакллантиришда товушларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Товушлар бадий асарларда адабий тил шаклларида фарқли, халқ тили шаклида ёки сўзлашув услубига хосланган шаклда кўлланиши мумкин. Аслида оғзаки нутқ шакли сўзлашув тилининг белгиларидан бири ҳисобланади. Бадий адабиёт тилининг ривожланишида эса айнан оғзаки адабиётнинг – оғзаки нутқнинг ўрни бекиёсдир. Яъни бадий адабиёт оғзаки нутқ шакллари асосида ривожланган. Шу сабабли ҳам бадий адабиёт тилини тадқиқ этишда ундаги оғзаки нутққа хос белгиларни таҳлил қилиш, уларнинг бадий тил яратишдаги аҳамиятини очиш зарурий масала сифатида майдонга келади. Тоҳир Малик асарлари тилида оғзаки нутққа хос фонетик шаклларни жуда кўп учратиш мумкин.

Масалан:

“Аперайсанг билан қўшмозор бўл, ўлсам ўлақолай, ўша тўрт юз долларни болларим худойи-пудойига ишлатар”, деб кетвордим. . (“Энг кичик жиноят”)

¹ Р. Рихсиева. Лингвопоэтик тадқиқ асослари бўйича мулоҳазалар//Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2003. 3-сон, б. 85.

Келтирилган мисолда қўлланган *аперайса, болларим, кетвордим* сўзлари *операция, болаларим, кетиб юбордим* каби сўз ва сўз қўшилмаларининг фонетик ўзгаришга учраган шакллариدير.

Фонетик ўзгаришлар талаффузни қулай қилиш, гапиришни енгиллаштириш, нутқ органларининг, мускулларининг ҳаракатини ва вақтни тежаш – қулайлик туфайли юзага келади. Масалан:

Кеннайи, бу кастўм тоғамга бўмайди, — деди мавҳум оҳангда. .
(“Энг кичик жиноят”)

Келтирилган гапда фонетик ўзгаришга учраган учта сўз мавжуд:

А. *Кеннайи* сўзи аслида *келинойи* бўлиши керак эди. Фонетик қайта бўлиниш натижасида *келинойи* сўзидаги -ли (ке-ли-но-йи) бўғини тушиб қолган, бир н товуши орттирилган ҳамда *ойи* сўзидаги о товуши а товушига алмашган. Демак, бу сўзда ҳам товуш тушиши, ҳам товуш орттирилиши, ҳам алмашиниши ҳодисаларини кузатишимиз мумкин.

Б. *Кастўм* сўзи рус тилидан қабул қилинган костюм сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир. Бу сўзда о товуши а товушига, ю товуши ў товушига алмашган.

В. *Бўмайди* сўзи *бўлмайди* сўзининг оғзаки нутқда товуш ўзгаришига учрайдиган шакли бўлиб, бунда л товуши тушиб қолган. Юқорида айтиб ўтилганидек, товуш тушиши ҳодисаси натижасида сўз талаффузи қулайлашган, гапириш енгиллашган.

Фонетик ўзгаришларнинг уч хил тури (товуш тушиши, товуш орттирилиши, товуш алмашиниши) мавжуд бўлиб, Тоҳир Малик асарларида ҳар учала ҳолатни ҳам кузатишимиз мумкин.

1. Товуш тушиши: *“Ватандош” дегани тилдаги ёки газетдаги гап.* .
(“Энг кичик жиноят”)

Ушбу келтирилган мисолимизда “газета” сўзи товуш тушиш ҳодисасига учраган ва “газет” шаклида қўлланган. Бу сўз бадий услубда

асар матни таркибида ишлатилиб, бадий матнни оғзаки нутқ шаклига яқинлаштириши билан бирга, сўзловчи руҳияти, муносабатини ҳам маълум маънода ифода этган. Бу ўринда товуш тушиши ҳолати сўзга хос янгилик бўёғини, халқ тилида унинг қўлланиш шаклини ҳам кўрсатиб келган.

Баъзи ҳолларда ундош товушлар ҳам муаллиф томонидан атайлаб ўзгартирилиши ёки маълум бир мақсадда сўзнинг фонетик структураси бутунлай ўзгартириб қўлланиши ҳам, тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу ҳам маълум маънода фонетик жиҳатдан оҳангдорлик, равлонликнинг бирмунча ошишига олиб келади.

Бу вақт давомида Америка иқтисодий жиҳатдан янада бойиди, аммо маънавий жиҳатдан иблисга янада батарроқ қул бўлганини, майли, биз айтмайлик. (“Энг кичик жиноят”)

Келтирилган гапда **батарроқ** сўзи қўлланган бўлиб, у *баттарроқ* сўзидаги бир т товушининг тушириб қолдирилган шаклидир.

2. Товуш орттирилиши:

Муҳтожлиги ва иложсизлиги важҳидан қарз сўраганида ундан эшитган гапларини ҳазм қила олмади. (“Энг кичик жиноят”)

Кўз олдини эса зулумот қопларди. (“Энг кичик жиноят”)

Тоҳир Малик асарларидан олинган мазкур гапларда *важҳ* ва *зулумот* сўзлари қўлланган бўлиб, улар аслида араб тилида худди шундай ҳолатда қўлланади. Бу сўзлар бизнинг тилимизга *важ* ва *зулмат* шаклида ўзлашган. Демак, бизнинг тилмизга шундай ҳолатда ўзлашган экан, уларнинг асли араб тилидаги шаклларининг қўлланилишини фонетик ўзгариш деб баҳолаш мумкин.

3. Товуш алмашилиши: *Ризқ топмоқда чумолидек кучингга йиглагил. Пашиадек хониш қилиб, ҳар суфрандан қувланмагил.*

Тоҳир Маликнинг “Энг кичик жиноят” асаридан олинган нутқ парчасида *суфра* сўзи қўлланган бўлиб, у *супра* сўзининг фонетик

ўзгаришга учраган шаклидир. П-ф товуш алмашилиши юз берган ушбу сўз *дастурхон* маъносида қўлланган бўлиб, Навоий асарларида ҳам худди шу маънони ифодалаган:

*Ёяр анга суфраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, ялангоч эмас.*

“Ўзбек тили морфем луғати”да сўз ва унинг вариантлари ҳақида шундай фикр юритилади: “... бирор элементнинг фонетик жиҳатдан бошқа тусда бўла олишининг бир қанча турларини кўрамиз: товуш алмашилиши (қ – ғ, к – г, о – а каби), товуш тушиши (айир – айрим каби), товушларнинг мос келиши (пичан – бичан каби), ўрин алмаштириш (ёғмир – ёмғир каби), товуш иккиланиши (сода – содда) каби ҳодисалар. Буларнинг ҳаммасида ҳам сўз ё морфема ташқи томондан – товуш жиҳатидан фарқланади. Бу ҳодисалар учун умумий қилиб “фонетик вариантлар” иборасини термин сифатида ишлатиш мумкин”.¹

Лексик вариантликлик бир лексеманинг турли моддий кўринишларидир. Вариантликни фонологик сатҳда чуқур ўрганган Прага лингвистик мактаби вакиллари уни мажбурий, факультатив ва индивидуал вариантларга ажратган эдилар.

Таниқли тилшунос А.Нурмонов фонологик сатҳдаги фонема вариантларининг бундай таснифи тилнинг бошқа сатҳ бирликлари учун хослигини таъкидлайди: “... муайян лексеманинг ҳудудий фарқланиши факультатив (пичан – бичан, ўхшамоқ – ўшхамоқ), сўзловчининг индивидуал варианты саналади. Мажбурий вариант, ўз навбатида, позицион, комбинатор ва услубий вариантларга бўлинади. Лисоний бирликларнинг позицион варианты унинг қандай позицияда (кучли ё кучсиз позицияда) жойлашилишига кўра вужудга келади.

¹ Ғуломов А., тихонов А., Қўнгулов Р. Ўзбек тили морфем луғати. —Т.: “Ўқитувчи”, 1977. Б.366.

Комбинатор вариантлар эса лисоний бирликларнинг синтагматик муносабатида намоён бўлади. Услубий вариантлар лисоний бирликларнинг услублараро фарқланиши асосида пайдо бўлади. Масалан, *кабутар* бадий услуб учун хосланган вариант бўлса, *каптар* сўзлашув услубига мансуб вариантдир.

Қаерда вариантлар сони кўп бўлса, шу ерда, албатта, меъёр тушунчасига эҳтиёж туғилади. Меъёр тушунчаси инвариант – вариант зидланиши учун эмас, балки вариантлар зидланиши учун хосдир. Муайян инвариантнинг турли вариантлари ичида биттаси маълум сабабга кўра бошқаларига нисбатан намуна сифатида қабул қилинади. Ана шу намуна сифатида қабул қилинган вариант тилнинг маълум даври учун меъёр саналади. Меъёр белгилашда вариантларнинг нутқ занжиридаги позицияси, тил ареалидаги тарқалиш географияси ва бошқалар роль ўйнайди.¹

Мачитга тил теккизма! — Жаҳонгир шундай деб унинг ёқасини чангаллади. (“Сўнгги ўқ”)

Мачит сўзи масжид сўзининг сўзлашув услубига хос вариантдир. Подшо-пошио сўзлари ҳам ана шундай вариантлиликни ҳосил қилиши мумкин:

Сен пошиоликни яхши кўрасан, пошиолик ҳам сендақаларни ёқтиради. (“Сўнгги ўқ”)

Кўринадики, Тоҳир Малик ўз асарларида лексемаларнинг сўзлашув услубига мансуб вариантларини қўллаб, ўз персонажлари нутқининг халқ тилига яқинлигини таъминлаган. Бу ифода воситалари нутқнинг табиий ва оригинал чиқишига ҳисса қўшган.

Русча ва рус тили орқали ўзлашган кўплаб сўзлар оғзаки нутқда айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланади. Бадий

¹ Нурмонов А. Лисоний бирликларда умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса диалектикаси. Танланган асарлар. 3-жилд. —Т.: Академнашр, 2012. Б.58-59.

асарларда бундай ўзгаришларга учраган сўзларни ишлатишдан мақсад персонажлар нутқиға хос хусусиятларни акс эттиришдан иборат.

— *Бу милиса билан қайдан танишдингиз?* (“Сўнгги ўқ”)

— *Дўхтир чақирсакмикин? — деди чандаги хотин.* (“Энг кичик жиноят”)

“Телпон идорасига бораётиб, автобусда пулни ўғирлатиб қўйганига” бувисини бирбало қилиб ишонтиришига амин эди. (“Энг кичик жиноят”)

Тоҳир Малик асарларидан олинган юқоридаги гапларда *милиса, дўхтир, телпон* сўзлари қўлланган бўлиб, улар *милиция, доктор, телефон* сўзларининг оғзаки нутққа мослашган шакллариidir. Уларда товуш тушиши ва алмашилиши ҳодисаларини кузатамиз.

Баъзан нутқда ўзбек тилига ўзлашмаган русча сўзларни қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Ана шундай ўзлашмаган лексемаларни талаффуз қилишда ҳам товуш ўзгариши ҳодисалари кузатилади. Масалан, қуйидаги гапларда *танса (танца), начайник (начальник)* сўзлари товуш алмашилиш ҳодисасини юзага чиқарган. *Танца* сўзидаги *ц* товушининг *с* тарзида талаффуз қилинишига сабаб ўзбекча сўзларда *ц* товушининг йўқлигидир. Талаффузни осонлаштириш, нутқ органларининг ишини енгиллаштириш мақсадида *начальник* сўзи *начайник* тарзида талаффуз қилинган:

— *Танса тушмаймизми? — деди бу ҳазилдан энсаси қотган Зулька.* (“Энг кичик жиноят”)

— *Бу эски гап, начайник, эскини кавламанг.* (“Сўнгги ўқ”)

Бошқа миллат вакилларининг нутқиға хос хусусиятлар бошқа бир миллат вакили томонидан ўз фонетикасига мослаштирилган ҳолда ифодаланиши мумкин. Бунини биз қуйидаги мисолда (Ғазидуллин - Тозидуллин) кўришимиз мумкин:

— *Қани, ҳамшаҳар, тортинманг, кираверинг. Ўртоқ Тозидуллин ўзимизнинг одам.*

— *Газидуллин, деб ўзини таништирди меҳмон.* (“Сўнгги ўқ”)

Татар миллатига хос фонетик хусусиятларни аниқроқ ифодалаш мақсадида қўлланган қуйидаги гапда ҳам товуш алмашиш ҳодисасини кузатишимиз мумкин:

— *Астағфуриллоҳ, минда мусулманку!* (“Сўнгги ўқ”)

Бунда *мен сўзи мин, мусулмон сўзи мусулман* тарзида талаффуз қилинган.

Маълумки, нуткий ифодада шахснинг эмоционаллиги унинг интонациясида намоён бўлади. Интонация, асосан, оғзаки нутққа хос бўлиб, у ёзма нутқда маълум тиниш белгилар воситасида берилади. Бироқ ёзма нутқ оғзаки нутқ каби интонацияни тўлиқ ифодалай олмайди. Чунки тиниш белгиларини ҳар бир ўқувчи ўзича идрок қилади. Бироқ ёзма нутқда ёзувчи тил бирликларини танлаб ишлатиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ёзма нутқда интонациянинг лингвистик воситалар семаси асосида ифодаланиши кучлироқ бўлади. Оғзаки нутқда бу вазифани интонацион бирликлар амалга оширади:

Паттачи Моҳина кампирнинг қимирламай ўтиришини кўриб:

— *Ҳа, онагинам? — деб кўк кўзларини унга қадади.*

Унинг бу саволини “Ҳа, онагинам, сизга нима бўлди, мазангиз қочдимми?” деб ёки “Ҳа, онагинам, сиз нимага ялпайиб ўтирибсиз, чиқармайсизми пулни?” деб ҳам тушуниш мумкин эди. (“Энг кичик жиноят”)

Агар оғзаки нутқда эмоционаллик интонация воситасида ифодаланса, ёзма нутқда ана шу вазифани танланган лингвистик воситалар бажаради.

Юқоридаги нуткий парчада ҳам муаллифнинг изоҳи нутқдаги интонацияни тушунтириб бериш учун хизмат қилган.

Демак, бадий асарларда товуш тушиши, товуш ортиши, товуш алмашилиши каби фонетик ҳодисалар ҳам ўзига хос услубий вазифа

бажаради ва персонажлар характери очишда, уларга хос хусусиятларни кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Морфологик хусусиятлар

Бадиий асар тилида морфологик шаклларнинг қўлланилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар орқали нутқ таъсирчанлигига эришиш, шу белгилар орқали маълум хусусиятларни кўрсатиш мумкин бўлади.

Бадиий асар тилини текширганда, у ёки бу ёзувчининг умумхалқ тилининг грамматик қонун-қоидаларига қанчалик риоя қилганлиги, уни қанчалик тўғри ишлатганлиги масаласига ҳам махсус эътибор бериш керак.

Бадиий асарларда морфологик бирликлар нутқ талаби ёки бошқа мақсадларда одатдагидан ўзгача, ўзгарган ҳолда қўлланиши мумкин. Бунда ижодкор маҳорати, тил имкониятларини яхши билиши ва уларни ўз асарларида қўллай олиши муҳим ўрин тутди.

Тоҳир Малик асарлари морфологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, унинг асарларида адабий тил меъёрларига риоя қилинганининг, одатий ҳолатлардан четлашилмаганининг исботини кўриш мумкин. Лекин айрим ҳолларда — персонажлар нутқи тасвирида бу меъёрдан чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Келигиз, келигиз палов тайёр, — деди у дудуқланиб. (“Сўнгги ўқ”)

Марҳамат килигиз, пожайста. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган гапларда *келигиз, марҳамат килигиз* каби феъллар қўлланган бўлиб, улар адабий тилда *келингиз, марҳамат қилингиз* тарзида қўлланади. Келтирилган феъллар таркибидаги иккинчи шахс

буйруқ-истак майли кўшимчаси -ингиз н товуши туширилган ҳолда кўлланган ва бу орқали татар миллатига мансуб персонаж нутқининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган.

Адиб асарларида орттирма нисбат аффикси -киз нинг оғзаки сўзлашув хусусиятларига мослаштирилган ҳолда -қиз тарзида кўлланганини кўрамыз:

Хотинни бир тегиб келган жойига кетқизворганман. (“Энг кичик жиноят”)

Ўзбек халқ шеваларида, ж-ловчи шеваларда кишилиқ олмошларининг биринчи ва иккинчи шахс кўплиги “биз”, “сиз”га -лар аффикси кўшилганда, аффикс таркибидаги -л товуши туширилади ҳамда бизар тарзида талаффуз этилади. Бундай ҳолатни Тоҳир Малик асарларида ҳам учратамыз.

Бизарни қишлоқдаги чуваклар ўтирарди ҳамма ёқни ваять этиб. (“Энг кичик жиноят”)

Адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан қараганимизда, буйруқ-истак майли иккинчи шахс кўплиги учун -инглар шакли меъёрдир. Оғзаки нутқда -инглар аффикси -ларинг тарзида талаффуз этилади. Бу ҳолатдан тингловчига нисбатан ҳурматсизлик, менсимаслик сингари субъектив муносабатларни ифодалашда фойдаланилади. Барча нутқ услублари, хусусан, оғзаки нутқ услубига хос хусусиятларни ҳам ўзида акс эттирувчи бадиий услубда персонажнинг эмоционал ҳолатини кўрсатиш учун мана шундай ифода шакллари ҳам қўлланилади. Масалан:

Бу гап Заринанинг ҳамиятига тегди – ю, “ўғлинг билан қўшмозор бўлларинг!”, деб гижинганича қора хотинга тик қаради. (“Энг кичик жиноят”)

Қўшма сўз ва сўзнинг аналитик формаси таркибига кирган компонентлар бир умумий бирлаштирувчи урғу остида бирлашади. Бундай урғу иккинчи компонентнинг охириги бўғинида бўлади. Асосий

урғули бўғиндан олдинги бўғинлар иккинчи ва учинчи даражали урғуларга эга.¹

Биринчи компонент ёпиқ бўғин билан тугаб, иккинчи компонент очик бўғин билан бошланганда ҳам товуш алмашилиш, ҳам бўғинлар структурасида фонетик қайта бўлиниш ҳодисаси рўй беради. Бу эса компонентлар бутунлигини янада кучайтиради:

— Бе, — чол кулди, — шу Сафарқулнинг пешонасига буюм битарканми? (“Сўнгги ўқ”)

Тоҳир Маликнинг “Сўнгги ўқ” асаридан олинган юқоридаги гапда *битарканми* сўзи қўлланган бўлиб, у *битар* эканми аналитик шаклининг фонетик қайта бўлиниш ҳодисасига учраган кўринишидир. Худди шундай ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кузатишимиз мумкин:

Мен бу пулларни ўлимлигимга деб йиғятувдим. (“Энг кичик жиноят”)

Келтирилган гапда *йиғяётган* эдим аналитик шакли *йиғятувдим* тарзида фонетик қайта бўлиниш ҳодисасига учраган ҳолда қўлланган.

Қуйидаги мисолда эса ҳам товуш тушиши, ҳам товуш алмашилиш ҳодисаларини кузатишимиз мумкин:

Иблис ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олволдими, кўзларимизни кўр қилдими? (“Сўнгги ўқ”)

Олволди сўзи аслида *олиб олди* кўмакчи феълли сўз қўшилмаси бўлиб, оғзаки нутқда тежалиш ҳамда қулайлик натижасида и товуши туширилган, б товуши эса в товушига алмашган.

Демак, оғзаки нутқ доимо тежамлилиқка, қисқалиқка интилади. Оғзаки нутққа хос бундай хусусиятларнинг бадий асарларда акс этиши эса асар тилининг халқчиллигини таъминлайди.

Аёллар нутқида -гина аффиксининг кўп қўлланилишини кузатиш мумкин. Тоҳир Малик аёл персонажлар нутқида бу аффиксни қўллаш

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М.—Л., 1960. С.52-56.

орқали -гина аффиксининг эркалаш – кичрайтириш ва чегара маъноларидан ташқари, бошқа маъноларни ҳам ифодалай олишини кўрсатган:

— *Ҳой, Холниса! Ўпкагинангизни босиб олинг! Менинг болам арпангизни хом ўрдими, бунча бобиллайсиз? (“Энг кичик жиноят”)*

— *... гапингга кириб рўзангни тутганимда, топганимга барака бериш ўрнига шўргинамни қуритасанми-?! (“Энг кичик жиноят”)*

I боб бўйича хулоса

Бадиий асар тилининг таъсирчан бўлишида тил элементлари катта ўрин тутди. Улар воқеа-ҳодисаларни ёритишда, характерларни очишда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳар бир ижодкор бадиий тилнинг ифода воситаларини ўз ўрнида тўғри қўллай билишга ҳаракат қилади.

Бадиий нутқда адабий тил меъёрларига доимо амал қилинади. Шу билан бирга, меъёрдан чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилади. Эстетик мазмунни, образлилиқни, экспрессивлиқни шакллантириш мақсадида шоир ва ёзувчилар персонажлар нутқида адабий тил меъёрларига мос келмайдиган тил бирликларини ҳам қўллайдилар.

Тил алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системаси бўлибгина қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Тилнинг таъсир қилувчи кучи бадиий адабиёт орқали намоён бўлади. Бадиий асарларда қўлланилган фонетик, морфологик, лексик ва бошқа тил бирликларининг бадиий-эстетик функцияларини алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бадиий асар тилини шакллантиришда товушларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Товушлар бадиий асарларда адабий тил шаклларида фарқли, халқ тили шаклида ёки сўзлашув услубига хосланган шаклда қўлланиши мумкин.

Фонетик ўзгаришларнинг уч хил тури (товуш тушиши, товуш орттирилиши, товуш алмашиши) мавжуд бўлиб, Тоҳир Малик асарларида ҳар учала ҳолатни ҳам кузатишимиз мумкин.

Тоҳир Малик ўз асарларида лексемаларнинг сўзлашув услубига мансуб варинатларини қўллаб, ўз персонажлари нутқининг халқ

тилига яқинлигини таъминлаган. Бу ифода воситалари нутқнинг табиий ва оригинал чиқишига ҳисса қўшган.

Бадий асар тилида морфологик шаклларнинг қўлланилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар орқали нутқ таъсирчанлигига эришиш, шу белгилар орқали маълум хусусиятларни кўрсатиш мумкин бўлади.

Бадий асарларда морфологик бирликлар нутқ талаби ёки бошқа мақсадларда одатдагидан ўзгача, ўзгарган ҳолда қўлланиши мумкин. Бунда ижодкор маҳорати, тил имкониятларини яхши билиши ва уларни ўз асарларида қўллай олиши муҳим ўрин тутади.

ИККИНЧИ БОБ.

ТОҲИР МАЛИК АСАРЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Адиб асарларида қўлланган лексемаларнинг мавзуй гуруҳлари

Бадиий асар лексикаси ўзининг ранг – баранглиги билан ажралиб туради. Чунки бадиий асарларда инсон ҳаётининг ҳамма томонлари акс этади. Бу ҳол бадиий адабиётда шевага хос сўзларнинг ҳам, касб – ҳунарга оид лексемаларнинг ҳам, варваризм, вульгаризм, жаргон ва арголарнинг ҳам қўлланилишига олиб келади. Шоир ва ёзувчилар ўзлари тасвирлаётган бошқа халқ ва тил эгаларининг яшаш шароитлари, урф – одатлари, миллий хусусаиятларини акс эттириш мақсадида қўлланма сўзлардан ҳам фойдаланадилар.

Қўлланма сўзлар генетик жиҳатдан бошқа тилники бўлгани ҳолда ўзга тилларда ҳам учровчи лексемалардир. Қўлланмалар ўзи қўлланаётган тилники эмаслиги, фақат бу тил текстларида ишлатилаётгани билан ўзлашма сўзлардан фарқланади.

Қўлланма сўзлар коммуникатив ва стилистик функциясига кўра икки типга бўлинади: 1) экзотик лексика ёки экзотизмлар; 2) киритма сўз ва иборалар, яъни чет тил киритмалари.

Экзотизмлар ўзбек тилига таржима қилинган адабиётларда ёки чет ўлка халқлари турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи асарларда учрайди.

Экзотик лексикани ўзбек текстларига киритишдан мақсад ўша асарда ҳикоя қилинаётган халқнинг турмуши, одатлари, этнографияси, тил хусусиятлари ҳақида маълумот беришдир. Экзотик лексика бошқа

халқларнинг турмуши, уй жиҳозлари, расм-одатлари, кийим-кечаклари ва бошқалар ҳақида информация ташийд.¹

Тоҳир Маликнинг “Энг кичик жиноят” асарида Америка Қўшма Штатлари ва у ерда яшовчи инглизлар ҳаётига доир экзотизмлар учрайди.

1. Маҳаллий-миллий топонимлар: *Америка Қўшма Штатлари(давлат номи), Нью Орлеан (штат), Нью Йорк (шаҳар), Миссисипи (дарё), Ниагара (шаршара).*
2. Миллий антропонимлар: *Колумб, Джсек, Хамельтон, Вилли Браун, Сандро, Эдинбург, Жаклин, Рольф Эмерсон.*
3. Мурожаат, муомала шакллари: *мисс, миссис, мистер, леди.*
4. Титуль ва унвон номлари: *лорд.*
5. Маҳаллий касб-ҳунар номлари: *полиция, полис.*
6. Ичимлик номлари: *виски..*
7. Миллий пул бирлиги номлари: *цент, доллар.*

Асарда булардан ташқари, Колумбия, Венесуела, Африка, Италия, Дубай, Париж, Хитой, Лондон, Москва, Киев, Куба, Канада, Россия, Екатеринбург каби жой номини билдирувчи сўзлар ҳам қўлланган.

Диний тушунчалар, афсонавий мавжудотлар, худолар, пайғамбарлар, авлиёлар, муқаддас қадамжоларга берилган номлар теонимлар деб юритилади. Тоҳир Малик асарларида диний тушунча ифодаловчи сўзлар асосий ўринни эгаллайди.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган диний тушунча ифодаловчи сўзларни ҳам қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Диний тушунча англатувчи шахс номлари: *Аллоҳ, худо, қори, мулла, мусулмон, банда, гассол, гўрков, отинойи, шаккок, ўлик, майит, иблис алайҳи лаъна, шайтон* каби.

¹ Ўзбек тили лексикологияси. —Т.: “Фан”, 1981. Б. 88

Диний тушунча англатувчи жой номлари: *масжид, ўликхона, мазор, қабр, жаннат, дўзах, охират, маҳшаргоҳ* каби.

Маросим номлари: *худойи, “кирювди”, йигирма, қирқ, йил оши, ҳайит, лайлак келди, қовоқ, қорёғди* каби.

Диний амал номлари: *фарз, ибодат, рўза, ифтор қилмоқ, ифторлик, саҳарлик, ҳаж, жаноза, азон, жаноза намози, пешин намози, шом намози, савоб, гуноҳ, савол-жавоб, ювилмоқ, кафанланмоқ, дафн этмоқ.*

Диний тушунча билдирувчи предмет номлари: *Қуръон, кафанлик, ўлимлик.* Мисоллар:

Кеча бош ҳадми беришди. (“Сўнгги ўқ”)

Шу ҳовлини сотиб олганидан кейин, кўчиб келмай туриб, бир қўй сўйиб, худойи қилди. (“Сўнгги ўқ”)

Алгов-далгов бошланиб, хатми кутуб қилолмай қишлоғимга қайтган эдим. (“Сўнгги ўқ”)

Гуноҳларимизни Оллоҳнинг ўзи кечиради, маҳшаргоҳда ёруғ юз билан кўришишни насиб этсин. (“Сўнгги ўқ”)

Одоб-ахлоққа оид бир қатор ижобий ва салбий маъноли сўзлар ҳам адиб асарларида кўплаб қўлланган бўлиб, улар кишиларни комил инсонлар бўлишга даъват этади: *диёнат, саҳоват, меҳр, ҳасад, ёвузлик, хиёнат, нафс бузуқлиги, кибр-ҳаво, манманлик* каби.

Тақсирим, қиссадан ҳисса шулки, Парвардигорнинг бандаларига берган руҳоний неъмат иблисга хос иллатлардан, чунончи, ҳасаддан, ёвузликдан, хиёнатдан, нафс бузуқлигидан асралмоғи лозим. (“Сўнгги ўқ”)

Расулуллоҳ жавоб қилдилар: Кибр-ҳаво, манманлик, мол-дунё орттиришдаги рақобат, бир-биридан четланиш ва зулмга, сўнгра эса бошбошдоқликка олиб борадиган ҳасадгўйлик. (“Сўнгги ўқ”)

Бадий адабиётда персонажлар нутқини индивидуаллаштириш мақсадида вулгар (лот. *vulgarus* – оддий, одатий, дағал, кўпол, одобдан

ташқари)¹ сўз ва иборалардан ҳам фойдаланилади. Тоҳир Малик асарларида ҳам *падарлаънати, зангар, малъун, гўрсўхта, жувонмарг бўлгур, гўрда чиригур* каби шундай лексемаларни учратиш мумкин:

Хотинимни урган эдим, бу ерга тиқиб қўйишди, падарлаънатилар! (“Сўнгги ўқ”)

Бир зангарга рўбарў келмаганимда ушлолмасдиям, қамамасдиям. (“Сўнгги ўқ”)

Сиз аввал ўзингизнинг гўрсўхтангизни эплаб олинг, кейин менга осилинг. (“Энг кичик жинойт”)

Варваризмлар (юн. *varvarismos* – келгинди сўзидан) — она тилига ўзлашмаган, унинг меъёрларига хос бўлмаган, ўзга тил ходисаси сифатида қўлланадиган сўз ва иборалар.²

Бадий асарларда маълум мақсад ёки сабабларга кўра ўзлашмаган чет сўзларни қўллаш ҳоллари учрайди. Тоҳир Малик ҳам ўз асарларида персонажлар нутқидаги индивидуалликни кўрсатиш учун ўзбек тилига ўзлашмаган сўзларни қўллайди:

— *Биласану, бувим деловой бабка. (“Энг кичик жинойт”)*

— *Э, бормисиз, пахан, кўзни очинг. Шу юрак билан юрибсизми, паханман, деб? (“Сўнгги ўқ”)*

— *Братан, сизга ким керак? — деб сўради пешонасини тириштириб. (“Энг кичик жинойт”)*

Вискини бизга нянкаларимиз эрталаб яслида завтракка беришган, так что, ичиб олганмиз. (“Энг кичик жинойт”)

Келтирилган гапларда қўлланган *бабка, пахан, братан, нянка, завтрак, так что* сўзлари рус тилига хос сўзлар бўлиб, персонажларнинг маънавияти тубан кишилар эканлигини кўрсатади.

Қизиқишлари, машғулотлари, ёшлари бир хил бўлган, жуда тор доира (гуруҳ)га мансуб кишилар қўллайдиган, маъноси шундай

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 1-жилд. —Т.,2006. Б.471

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 1-жилд. —Т.,2006. Б.471

кишиларга тушунарли бўлган сўзлар турли илмий адабиётларда турлича номлар билан аталади. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида арголар, “Ўзбек тили лексикологияси” дарслигида эса жаргонлар деб юритилади. Тоҳир Малик асарларида ҳам бундай лексемаларни кўплаб учратиш мумкин:

Тиллаю лойлар буларнинг ҳужжатларига тиркалса, нақ энасини кўрарди-да! (“Сўнгги ўқ”)

Ментлардан қўрқишадими? (“Энг кичик жиноят”)

Келтирилган мисоллардаги лой сўзи пул маъносида қўлланган бўлса, мент сўзи милиционер маъносини ифодалаган.

Тоҳир Маликнинг “Энг кичик жиноят” асарида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи, шунингдек, уни истеъмол қилувчи шахслар нутқига хос бир қатор сўзлар ҳам қўлланган. Мисоллар:

1. Гиёҳванд модда савдоси билан шуғулланувчи шахс номлари:

Хизматчими ё наркокуръерми?

Қорадорифуруишларга дастёрлик қилишда айбланган Зарина узоғи билан кечгача озод бўлишидан умидвор эди.

2. Гиёҳванд модда номлари:

Кутилмаган бу кулфатдан гангиб қолган Жўра: “Яна кокои қидиряпсизми?” деб сўрашига ўзида куч топди.

Шуҳрат Суҳробнинг осонлик билан кукун ва наша топиб келгани сабабини билолмай ҳайрон эди.

Тутундан ишқал чиқади, порошок бехитроқ.

3. Ҳаракат, ҳолат ифодаловчи лексемалар:

Суҳробнинг “Илгари наша тортиб, Академиядан бир марта ҳайдалган, энди игнага ўтқазии осон бўлади”, деган гапига у ишонмаганди.

— Уч кишига олавер, мен ҳидламайман, бўлса менга наша топганинг яхши.

— *Топишга топарману, лекин бу ерда чектиришмайди.*

— *Сен бир тортишга етадиган бўлса ҳам олавер, мен кўчага чиқиб чекиб келаман.*

Юқоридаги нутқ парчасида *наркокуръер, қорадорифуруш* каби шахс номини билдирувчи лексемалар, *кокоин, наша, тутун, порошок, дори* сингари предмет билдирувчи лексемалар, *ҳидламоқ, чекмоқ, тортмоқ, игнага ўтқазмоқ, кайф қилмоқ* сингари ҳаракат ифодаловчи лексемалар қўлланган.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган лексемаларни шакл ва маъно муносабатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, адиб антоним ва синонимлардан моҳирона фойдаланганини кўришимиз мумкин.

“Идеографик семаларидан одатда бир семаси зид, қолган семалари айнан икки лексема (лексосемема) бири иккинчисига нисбатан антоним дейилади (юнонча *anti* – зид, қарши, *опута* - исм). Бундай маъно муносабати оппозитив муносабат ҳам дейилади (лотинча *oppositivo* – зид қўйиш). Масалан, *оз – кўп, тез – секин, жонли – жонсиз* лексемалари орасида бўлгани каби”.¹

Антонимлар икки сўз орасидаги қарама-қарши маъно муносабатини ифодалашни жиҳатидан нутқда катта аҳамиятга эга. Улар предмет ва ҳодисалар орасидаги фарқни тўғри ифодалай олиш имконини беради. Ёзувчилар, шоирлар воқеликни, нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларидаги фарқни кўрсатишда, бири-бирига қарама-қарши тасвирлашда — контрастлар ҳосил қилишда антонимлардан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, бадиий асарларда антонимлар жуда катта услубий вазифа бажаради.

Жаҳонгирнинг кўзларида макр эмас, маъсумлик бор эди.
(“Сўнгги ўқ”)

Солиҳов бу гаплар кесатиқми ё чинми, фарқламай қолди.
(“Сўнгги ўқ”)

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 1-китоб. —Т., 2010. Б.86.

Шаҳарда ўлим кўп, аммо йиғи йўқ эди. (“Сўнгги ўқ”)

Булар бир қарол, ҳожалари бошқа бўлса, тегма уларга!
(“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган гапларда қўлланган *макр – маъсумлик, кесатик – чин, ўлим – йиғи, қарол – ҳожа* кабилар от туркумига хос антонимлар бўлса, қуйидаги гапда қўлланган *туғилмоқ – ўлмоқ* лексемалари феъл туркумига хос антонимлардир:

Жаҳонгир бири туғилиб, бири ўлаётган фикрлар тўрида ўралиб ётганида Комлевнинг овозини эшитиб кўзини очди. (“Сўнгги ўқ”)

Маънолари бир хил, талаффуз ва ёзилиш ҳар хил бўлган сўзлар синонимлар саналади.

“Лексосинонимлик камида иккита лексема (лексосемема) орасида вужудга келади ва том маънода лексик парадигмага тенг бўлади: 1) синонимларнинг лексик маъноси (идеографик семалари) тенг бўлгани сабабли уларни танлаб ишлатиш мумкин; 2) шу хусусиятига кўра синонимлар мунтазам тузум ҳосил этади; 3) синонимлик тил курилишининг ўзига хос ички (интралингвистик) ҳодиса бўлиб, семантик микротузум дейилади”.¹

Ўзбек тили нутқда нозик маъно оттенкалари ҳамда ранг-баранг услубий бўёқларни бера оладиган синонимларга бой. Машҳур ўзбек шоир ва ёзувчилари, сўз усталари синонимлардан ўз асарларида усталик билан фойдаланиб келганлар. Бундай сўзларнинг мавжудлиги ёзувчи учун, бадий тасвир учун бениҳоя катта имконият яратади. Тоҳир Малик ҳам ўз ижодида бу имкониятдан тўлалигича, ўзига хос тарзда фойдалана билган ижодкордир. Ёзувчи ижодидаги муҳим хусусият матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош сўзни тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллашидир.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 1-китоб. —Т., 2010. Б. 80

Тоҳир Маликнинг “Сўнгги ўқ” асарида “ўлмоқ”, “бу дунёни тарк этмоқ” маъносида *узлатгузинликни ихтиёр қилмоқ* ва *рихлатга чекинмоқ* сўзлари қўлланган бўлиб, улар ўзаро синонимик муносабатни ҳосил қилган.

Сўнг узлатгузинликни ихтиёр қилди, у рихлатга чекинганлар дунёсининг бу ёруғ дунёдаги посбонидай қимир этмасдан ўтирарди.

Ташлаб кетмоқ феъли бу синоним сўзларга маънодош сифатида қўлланилиши мумкин:

— *Онажон, мен сизнинг ёлғизингизман, мени барвақт ташлаб кетдингиз.* (“Сўнгги ўқ”)

Баъзан бадий матн талаби билан ўзаро синоним бўлмаган лексик бирликлар ҳам контекстда синоним ҳолатида қўлланилиши мумкин. Масалан, *сулаймоқ* сўзи “ҳолдан тойиб, шалпайиб қолмоқ, шилқ этиб тушмоқ”¹ маъносини англатади. Бу сўз аслини олганда *ўлмоқ* сўзи билан синонимик муносабат ҳосил қилмайди. Тоҳир Малик бу икки сўзни матн доирасида синоним сифатида қўллаш орқали ўз персонажининг сўзга эҳтиёткорона муносабатда бўлганини кўрсатади:

Бироқ кўчада сулайиб ётганларни кўрсам, — мударрис истиҳолага бориб, “ўлиб ётганларни” демади, — шу бир тишлам нон ҳам томоғимдан ўтмайди. (“Сўнгги ўқ”)

Синтактик – стилистик фигуралар нутқнинг эмоционаллигини оширишга ёрдам берадиган махсус синтактик бирликлардан иборат бўлади. Улар қаторига градацияни ҳам киритамиз.

Градация (< лот. *gradatio* – босқичма – босқич кучайтириш>). Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб боришидан иборат стилистик фигура.²

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 3-жилд. —Т.,2006. Б. 585.

² Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1985. Б. 29.

Ифодалиликини аста-секин кучайтириб ёки пасайтириб бориш усули градация дейилади. Бундай усулдан таркибида уюшган компонентлар мавжуд бўлган синтактик конструкцияларда фойдаланилади. Бундай конструкцияларда интонация аста-секин кўтарила боради ва кульминацион нуқтага етади. Градацияда мазмунан ва функцияси жиҳатидан ўзаро яқин бўлган нутқ бирликларининг уюшиб келиши кузатилади, бунинг натижасида фикр тадрижий ривожлантирилади ва кучайтирилади.

Градация усулида уюшган синоним бўлаклар орқали фикрни аста-секинлик билан кучайтириб ифодалаш имкониятига эришилади.

Қойил қолиш керак унга. Ўзи турган-битгани шуми ё урушда ўлим кўравериб, қон кўравериб, даҳшат кўравериб совуққон бўлиб қолганми? (“Сўнгги ўқ”)

Мисолда қўлланилган ўлим – қон – даҳшат сўзлари поғонама-поғона ривожланиб, градацияни ҳосил қилган.

Градация усули ўқувчида бирор воқеа-ҳодиса ҳақида атрофлича тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Нутқ жозибалилигини таъминловчи градация усулидан риторикада, ораторлар нутқида жуда кенг фойдаланилади.¹ Тоҳир Маликнинг “Сўнгги ўқ” асаридан олинган *қамамоқ – отмоқ – гўрга тиқмоқ* лексемалари ҳам ривожланиб боровчи ҳаракатни ифодалаб, бадиий матнда градация усули юзага чиқишига хизмат қилган:

Хизматингни қара сенинг. Туппа-тузук одамни қамайсан, отасан, гўрга тиқасан... Шуни хизмат деб юрибсанми?

“Бадиий тилнинг бойиб бориши ва унинг тараққий этишида оғзаки нутққа хос лексемаларнинг аҳамияти катта. Зеро, оғзаки нутқ лексикаси бадиий асар тилининг шундай кўринишики, у ҳар қандай асарнинг бадиий – эстетик таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадиий тилнинг таъсирчан, жозибадор

¹ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. —Т.: Фан, 1990. Б.42-43

бўлишини ҳам таъминлайди. Аниқроғи, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадий адабиёт тилининг бой манбаларидан бири”¹ ҳисобланади. Тоҳир Малик асарларида ҳам халқ тилига хос ана шундай лексемалардан моҳирона фойдаланилган. Масалан:

Музликларда тўғнаб қолган илигига ҳарорат ўтгандай бўлди.
(“Сўнгги ўқ”)

Тўғнамоқ сўзи ўзбек адабий тилидаги *музламоқ* сўзининг оғзаки нутққа хос шаклидир. Тоҳир Малик бу сўзни қўллаш орқали асар тилининг халқчиллигини таъминлаган. Қуйидаги мисолда эса *ҳемири* сўзи “ҳеч нарса”, “бир сўм ҳам” маъносини англатади:

Ҳемирини ҳам бермабди. (“Сўнгги ўқ”)

Демак, айтиш мумкинки, Тоҳир Малик асарларида ўзбек тили лексикасининг бой имкониятларидан унумли фойдаланилган.

¹ Нормуродов Р. Шукур Ҳолмирзаевнинг бадий маҳорати, 2003. Б.81

2.2. Кўчим турларининг Тохир Малик асарларида қўлланилиши

Маъно категорияси атамаси тилшуносликка Фахри Камол томонидан киритилган ва бу атама остида полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари ўрганилган.¹ Муаллиф томонидан сўзларнинг кўчма маънолари ҳақида бошланғич маълумот берилган бўлса-да, лекин кўчма маъно турлари, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ёритилмаганди. Бу муаммолар ечими М.Миртожиев ва Т.Алиқулов асарларида ўз ифодасини топди.

М.Миртожиевнинг “Ўзбек тилида полисемия” ва унинг шогирди И.Шукуровнинг “Ўзбек тилида троплар” асарларининг яратилиши мазкур муаммони ҳал этишда катта воқеа бўлди. Шунингдек, кўчимларнинг у ёки бу турларини тадқиқ этишга бағишланган алоҳида тадқиқотларнинг яратилиши ўзбек тилида лексемаларнинг кўчма маъноларини чуқурроқ ўрганиш, метафора, метонимия каби ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришга катта хизмат қилди.²

Тохир Малик асарларида кўчимнинг барча турлари қўлланган.

Метафоралар улар яшаб келаётган ҳар бир миллий тил қадар қадимийдир.³ Улар бадий асарнинг экспрессивлигини, тасвирийлик ва образлилик даражасини белгиловчи муҳим омилдир. Метафоралар предмет ва ҳодисаларни уларга хос хусусиятни қиёслаш ҳамда ўхшатиш натижасида юзага келувчи сўзларнинг кўчма маъносига асосланган нутқий экспрессиядир. Гоголь метафорани “ўта кучли заковатнинг ифодасидир”,⁴ дея таърифлайди. Дарҳақиқат,

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. Фонетика, лексикология, морфология. —Тошкент: Фан, 1966. — Б.114-149.

² Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. —Тошкент: Фан, 1975. Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. АКД. — Ташкент, 1966. Кобулжонова Г. Ўзбек тилида метафоранинг лингвистик талқини. НДА. — Тошкент, 1999; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. НДА. —Самарқанд, 2001.

³ Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби. ДДА. —Т., 1993. Б.35.

⁴ Гоголь. Литературная газета. 1965. 4 ноябрь.

метафоралар кўчим турлари ичида энг кўп қўлланувчи, эмоционал-экспрессивликни кучли даражада ифодаловчи сермахсул ифода воситаларидан бири бўлиб, у ижодкорнинг маҳорати ва кучли заковати натижасида намоён бўлади. Шу билан биргаликда, унга лексик маъно тараққиётини кўрсатувчи тил ҳодисаси сифатида ҳам қаралади.

“Метафоралар сўзларнинг фигурал маъноси асосида яратилади ва метафорик қўлланган сўз эса предмет, белги ёки ҳаракат билан ўзининг номинатив маъноси орқали боғланади”.¹ Предмет маъносини билдирувчи метафоралар, асосан, аташ функциясини бажаради; белги ва ҳаракат билан боғлиқ метафораларда эса экспрессивлик, образлилик кучли бўлади.

Метафоралар бадиий асар тилининг қимматини янада оширади.

Тоҳир Малик “Аҳмоқ куёвини қарғаган” дейиш ўрнига “*Аҳмоқ куёвини қарғиш балчигига булаб ташлаган*” (“Энг кичик жиноят”) гапини қўллаб, шу орқали фикрнинг таъсирчан бўлишини таъминлаган, экспрессивликни, образлиликни ҳосил қилган. Шунингдек, бу гап орқали персонаж характериға хос хусусиятлар ҳам гавдалантирилган. Келтирилган гапда *қарғиш балчиги* бирикмаси ҳамда *булаб ташламоқ* кўмакчи феълли сўз қўшилмаси метафорик қўлланган ифодалардир.

Метафораларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутди: а) предмет билан метафорик қўлланган бирлик ўртасида ўзаро ўхшашлик бўлиши шарт; б) метафоралар маълум бир сўзнинг муҳим жиҳатлари асосида юзага келиши керак; в) метафоралар таркибида нечта сўз қатнашишидан қатъи назар, улар англатган маъно бир тушунчага асосланиши зарур.

Айрим метафоралар номинатив вазифа бажаради. Масалан: *столнинг оёғи, қозоннинг қулоғи* каби. Бундай метафораларда

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т., 1983, 6.24

образлилик, эмоционаллик бўлмайди. Бадиий метафоралар эса эмоционалликка, экспрессивликка ва образлиликка эга бўлади ва маълум бир ижодкор томонидан қўлланилганлиги жиҳатидан индивидуаллик ҳосил қилади.

Метафоралар нутқ жараёни билан боғлиқ муҳим услубий ҳодиса бўлиб, бадиий асар таъсирчанлигини оширади. Масалан:

Бу мамлакатда бойлар кўп, шунинг баробаринда сувсиз ариқлар ҳам кўплигини Жўра энди-энди фаҳмлаётганди.

Тоҳир Маликнинг “Энг кичик жинойт” асарида *сувсиз ариқлар* метафорик бирикмаси “камбағаллар” маъносини ифодалаган ва гапдаги *бойлар* сўзи билан контекстуал антонимик муносабат ҳосил қилган. Бу метафорик кўчим фақат Тоҳир Малик ижодига ҳослиги билан окказионаллик белгисига ҳам эга бўлган.

Синонимия икки ёки ундан ортиқ тил бирлигининг маъно муносабати асосида вужудга келади. Метафоралар ҳам синонимик муносабат ҳосил қилиши мумкин. Бунинг исботини Тоҳир Малик асарларидан олинган қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:

Довул дарагини эшитган Жўра пешин чоғи ёмғир томчилай бошлаганидан бери ҳавотир чўғи устида ўтирарди.

Жўранинг ҳавотири энди талвасага айланаёзди. Талваса оловида ҳарчанд қовурилмасин, хотинининг йўлига илҳақ кўз тикишдан бошқа чораси йўқ эди.

“Энг кичик жинойт” асарида Тоҳир Малик ўз қаҳрамони (Жўра)нинг воқеалар ривожига руҳий ҳолатини ифодалаш учун *ҳавотир чўғи* ва *талваса олови* метафорик бирикмаларини қўллайди. Ёзувчи ҳавотир чўғи талваса оловига айлангунигача бўлган воқеаларни тасвирлаб, китобхоннинг асар воқеаларига бўлган қизиқишини янада оширади.

Метафоралар синонимияси бир тушунчани англатадиган икки ва ундан ортиқ тасвирий ифодалар орасида содир бўлади.

Метафоралардаги синонимлик метафоралар таркибидаги сўзларни кўчма маънода қўллаш орқали ҳосил бўлади. Қуйидаги метафорик бирикмаларда (*аҳмоқ либоси, мутелик жандаси*) *либос* ва *жанда* сўзлари кийим маъносини ифодалашни жиҳатидан ўзаро синонимдир:

Бировнинг кўзига аҳмоқ либосида кўриниши учун асос ҳам йўқ эди. (“Энг кичик жиноят”)

Лекин ўзининг ҳозирги мартабаси, тақдирининг қил устида тургани уни бу қаҳрамонликдан қайтариб, мутелик жандасига ўралишига мажбур этди. (“Энг кичик жиноят”)

Тоҳир Малик асарларида қўлланган метафоралар моҳиятан кенг маънодаги предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг тасвирий номи сифатида семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ичимлик номлари билан боғлиқ метафоралар:

Кўнглига ғазаб тошларини йиғиб кетгани аниқ, бу тошлар эриб, меҳр сувига айлангани ростми? (“Сўнгги ўқ”)

Мисолда қўлланган ичимлик номини ифодаловчи *сув* сўзи *меҳр* сўзи билан қўшилиб, метафорик бирикмани ҳосил қилган.

2. Зоонимлар билан боғлиқ метафоралар:

Қаҳатчилик деган ёвуз қуш қора қанотларини бу юрт, бу шаҳар устига ҳам ёзган эди. Силласи қуриган одамни битта-битта чўқилаб, кўча-кўйда ҳам думалатаверарди. (“Сўнгги ўқ”)

Бу гапда *қуш* сўзи қаҳатчилик маъносини англатганлиги туфайли қаҳатчиликда одамларнинг ўлиши ҳолати ёвуз қушнинг қора қанотларини ёзиб, одамларни чўқилаб, думалатганига ўхшатиш. Демак, мисолда фақатгина зоонимик ифоданинг номигина эмас, балки унинг ҳаракати ҳам кўчирилган.

Тоҳир Малик *“Шоқол десангиз ҳамманинг оғзи очилиб қолади”* (“Сўнгги ўқ”) гапини қўллаш орқали бўрига хос хусусиятлар инсонга кўчирилиши натижасида лақаблар пайдо бўлишига ишора қилган.

3. Афсонавий-диний номлар билан боғлиқ метафоралар:

Халқ урушни кўрди – дев йигитлар қирилди. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган мисолда *дев* сўзи қўлланган бўлиб, у “эртақ ва халқ дostonларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган, эзгуликка қарши курашувчи хаёлий махлуқ, ёвузлик тимсоли”¹ни англатади. Тоҳир Малик дев сўзининг “улкан”, “қўрқмас”, “баҳодир” семаларини *йигитлар* сўзига кўчириб, уларга хос белги-хусусиятларни ифодалашда фойдаланган.

4. Предмет номлари билан боғлиқ метафоралар:

Нима учун ҳамиша ёниқ турган онг чирогги хиралашди?
(“Сўнгги ўқ”)

Тухматнинг тўрига тушиб қолган эканман. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган мисоллардаги *чирог* ва *тўр* сўзлари метафорик кўчим ифодаловчи лексемалардир.

Метафоралар, асосан, предмет ва шахс номларининг, уларга хос белги-хусусиятларнинг, ҳаракат ва ҳолатларнинг кўчиши асосида ҳосил бўлади.

1. Ном кўчиши:

Бургутни эшитганмисиз? (“Сўнгги ўқ”)

Лекин бу калава учи уни қотил томон бошламай, бошқа бир сир сандиги томон етаклаётган эди. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган мисоллардаги *бургут* сўзи шахс маъносини ифодалаган бўлса, *сандиқ* сўзи предмет маъносини англатади. Улар ўз маъноларидан бошқа маъноларда қўлланиб, метафорик кўчим ҳосил қилган.

2. Белги кўчиши:

Кеч келган ёз шошқалоқ кузнинг заҳар нафасига дош беролмай чекина қолди. (“Сўнгги ўқ”)

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. —Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.585

Бу гапда иккита белги ифодаловчи лексема кўчма маънода қўлланган: *шошқалоқ* ҳамда *заҳар* сўзлари. *Шошқалоқ* сўзи одатда инсонларга нисбатан қўлланиб, уларга хос белги – хусусиятларни, яъни ишни тез бажаришга интиладиган, шошиб иш қиладиган кишиларнинг белгисини ифодалайди. Тоҳир Малик бу лексемани *куз* сўзига нисбатан қўллаш орқали кўчма маъно ҳосил қилган. Бунда *куз*нинг одатдагидан эрта келишига ишора мавжуд. *Заҳар* сўзи от туркумига хос сўз бўлиб, бу сўз сифатлашиб, белги маъносида қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатда у озиқ – овқат номларининг белгисини ифодалайди. Адиб бу сўзнинг белги ифодалаш хусусиятидан фойдаланиб, *нафас* сўзининг аниқловчиси сифатида қўллаган. Натижада бу сўзнинг кўчма маъноси ҳосил бўлган. Қуйидаги мисолларда *нозик* ҳамда *аччиқ* сўзлари ҳам метафорик кўчим сифатида қўлланган:

Бунақа нозик ишларда тажриба эмас, ақл асқотади. (“Сўнгги ўқ”)

Аҳён-аҳёнда қўзғаб қоладиган аччиқ шамол хазонлар орасидан бир нимани излагандай титиб-тўзитади, ҳеч нима тополмагач, тинчийди. (“Сўнгги ўқ”)

Нозик сўзи кўчма маънода қўлланганда “алоҳида эҳтиёткорлик талаб этадиган; қалтис” маъноларини англатса, *аччиқ* сўзи “жонни ачитадиған” маъносини ифодалаб, бадий нутқда кўчма маъно ҳосил бўлишини таъминлаган.

Метафоралар доирасида антонимик муносабатни ҳам кузатиш мумкин:

Кейин мен билан бунақа юшоқ муомала қилиб ўтирмайсиз. (“Сўнгги ўқ”)

Терговчиларнинг бундан баттарини кўрган, бундан баттар совуқ гапларни эшитган. (“Сўнгги ўқ”)

Мисолларда қўлланган *юмишқ муомала* ҳамда *совуқ гап* бирикмалари ўзаро антоним бирикмалардир. Улардаги антонимик муносабатнинг юзага чиқишига *юмишқ* ҳамда *совуқ* сўзларининг кўчма маънода қўлланиши асос бўлган.

3. Ҳаракат кўчиши:

Кўёш ботиб, чўққилар қовоқ уя бошлаган пайтда манзилга етиб боришди. (“Сўнгги ўқ”)

Айғоқчиларингиз айтишмадими, тўқиб-чатишга уста-ку улар? (“Сўнгги ўқ”)

Мисолларда қўлланган *қовоқ уймоқ*, *тўқиб – чатмоқ* сўзлари инсонларга хос ҳаракат – ҳолатларни ифодалайди. Улар Тоҳир Малик томонидан метафорик тарзда қўлланиб, образлилик, экспрессивлик ҳосил қилган. Баъзан қушлар ва ҳайвонларга хос ҳаракат – ҳолат ифодаловчи лексемалар инсонларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Қуйидаги гапда шундай ҳолатни кузатамиз:

Майли, сиз тонаверинг, сизни бехос сайратиб юборадиган далиллар бор ҳали. (“Сўнгги ўқ”)

Мисолда қўлланган *сайрамоқ* сўзи “гапирмоқ”, “айтиб бермоқ” маъноларини ифодалайди.

Тоҳир Малик ўсимликларга хос ҳаракат – ҳолатни ифодаловчи *гулламоқ* сўзини ресторанга нисбатан қўллаб, бу сўзнинг кўчма маъно ифодалаш имкониятидан ўринли фойдаланган:

Ҳар бекатда гуллаб турадиган ресторанлар йўқ ҳозир. (“Сўнгги ўқ”)

Гапда қўлланган *гуллаб турадиган* феъли “доим одамлар билан гавжум бўладиган”, “кўп фойда келтирадиган” маъноларини англатади.

Метафоралар тилимиз бойлигини кўрсатувчи воситалардан бири сифатида ўзининг синтактик хусусиятлари билан ҳам характерланади.

Тоҳир Малик асарлари асосида олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатдики, унда метафоралар асосан сўз бирикмаси ҳолатида учрайди.

Ғамли хотиралар панжаси бўзига чанг солиб, гапиртирмай қўярди. (“Сўнгги ўқ”)

Мисолда қўлланган *ғамли хотиралар панжаси* мураккаб сўз бирикмаси тасвирда образлиликни, таъсирчанликни кучайтиришга хизмат қилган.

Сўз бирикмаси икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг семантик-грамматик жиҳатдан бирикиши, яъни валентлик муносабатига киришуви натижасида ҳосил бўлади.

Метафораларнинг ўзига хослиги шундаки, улар кўчма маънодаги сўз бирикмалари асосида юзага келади. Аниқроғи, сўз бирикмаларининг образлиликни кучайтириш учун, нарса ва предметларнинг моҳиятини очиш учун хизмат қиладиган турларигина метафора бўла олади.

“Метафоралар, аслида номи йўқ бўлган нарса – тасаввурларга ном бериш, уларни аташнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Аммо шу воситадан фойдаланиш фақат ана шу эҳтиёжгагина боғлиқ эмаслигини, у инсон табиатидаги образли ифодага ўчлик билан алоқадорлигини, номи бор нарсаларни ҳам метафорик йўл билан ифодалашга инсонда ички бир табиий интилиш мавжудлигини мутахассислар алоҳида таъкидлайди”.¹

Совуқ шамол темир баданнинг ёриқларидан ўзига йўл топиб ичкари кирди. (“Сўнгги ўқ”)

Тоҳир Малик *темир бадан* сўз бирикмаси орқали машинани тасвирлаган.

¹ Ёўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. НДА. –Т., 2000. Б.21

Сўз бирикмаларидан тузилган метафоралар таркибидаги тил бирликлари ўзаро семантик-синтактик муносабатга киришиб, предмет ва воқеа-ҳодисаларни образли тасвирлайди.

Метафоралар нутқ бирлиги бўлган гапни шакллантириш, уни тўлдириш, гапнинг равон бўлиши учун хизмат қилади.

Етимлик сувини барвақт ичиб қўйган бу одамнинг ақидаси битта эди – ўзинг юлиб олмасанг, сенга биров бермайди. (“Сўнгги ўқ”)

Метафоралар гапда кетма-кет келиб, унинг бадиий тасвир кучини оширади. Тохир Малик қўллаган *Умр сўқмоғини кураш ва алам шамоллари супуради* (“Сўнгги ўқ”) гапи тўлиғича метафора асосига қурилган.

Дам отамизни ҳам танимаймиз, дам кўнглимиз дарвозаларини ланг очиб юборамиз. (“Сўнгги ўқ”)

Тилда номинатив маъносида табиатан баҳолаш элементи мавжуд бўлган сўзлар борлиги, улар бирор нарса-ҳодисани атабгина қолмай, айти пайтда сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳосини, субъектив эмоционал-экспрессив муносабатини ҳам ифодалаши бундай сўзларнинг эмоционал-экспрессив лексик қатламини ташкил этади.¹ Юқоридаги гап боғланган қўшма гап бўлиб, унинг иккинчи компоненти (*кўнглимиз дарвозаларини ланг очиб юборамиз*) эмоционал – экспрессив муносабат ифодаланган метафорик кўчим асосига қурилган гапдир.

Метафораларнинг образлилик, эмоционал – экспрессив муносабат ифодаламайдиган, номинатив вазифа бажарадиган турлари, асосан, инсон тана аъзолари номларини бошқа предметларга кўчириш орқали ҳосил бўлади. Мисоллар:

Бироқ соқчи идорага эмас, ҳовлида турган усти ёпиқ бурни пачоқ машина сари бошлади. (“Сўнгги ўқ”)

¹ Ғойипов С. Эмоционал-экспрессив лексик қатлам ҳақида. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1976, 5-сон. Б. 27.

Эрининг аждаҳо оғзидан тирик қайтишиги бир ишониб, бир ишонмай тўрт йил кутган хотин кўзларига маъюслик умрбод парда ташлагандай эди.

У чироқнинг эшилиб тўлғонаётган ўтли тилига анча фурсат тикилиб ўтирди. (Сўнгги ўқ)

Юқоридаги мисоллардаги *бурун, оғиз* ва *тил* сўзлари кўчма маънода қўлланган сўзлардир.

Метафорага ёндош ва ўхшаш ходисалар анчагина бўлиб, кўпинча, уларнинг ҳаммаси метафора деб аталаверади.¹ Шу фикрга асосланган ҳолда, метафорага ўхшаш ва ёндош ходисаларни таҳлил қилишдан аввал уларнинг фарқли томонлари хусусида айтилган баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтишни лозим деб топдик.

Метонимия ҳам ном кўчиш усули бўлиб, нарсалар орасидаги объектив боғлиқликка асосланади. Метонимия ва метафора орасидаги фарқ ном кўчириш асосларидадир. Метафораларда ўхшашлик, метонимияда эса боғлиқлик асос бўлади.²

Ё ишга кетаётган маҳаллари бўлган ё бомдоддан қайтган маҳаллари. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган мисолда *бомдоддан* сўзи метонимик кўчимни ҳосил қилган бўлиб, унга намоз ва унинг вақти ўртасидаги боғлиқлик асос бўлган.

Метонимия (yun. metonymia - қайта номлаш) — ад. Бирор предмет ёки ҳодиса номини шу предмет билан бир ўрин олган бошқа предмет номи билан алмаштириш; шу хилда ишлатилган сўз ёки ибора.³

Мен кўрсатув кўрадиган “дух”га ўхшайманми? “Дивиди” кўраётгандим. (“Энг кичик жиноят”)

¹ Қобилжонова Г. Метафора ва метонимия муносабати // ФДУ, Хабарлар, 1997. 1-2-сон. Б.138.

² Ўша манба.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. —Т.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.583.

Метонимия ҳодисаси ҳам сўзларнинг кўчма маъноси билан боғлиқ. Аммо бу ерда бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Бунда ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо, умуман бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари чоғиштирилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, метонимия боғлиқлик асосида кўчишдир. У бир неча хил бўлиши мумкин.

1. Шахс ва унинг белгиси ўртасидаги алоқадорлик:

Қани, сариқ, ёрдам бер. (“Сўнгги ўқ”)

Бунда инсон танасининг ранги унинг номи ўрнида қўлланган.

2. Жой ва унинг номи ўртасидаги алоқадорлик:

Қирқбелданман, — Жаҳонгир шундай деб қўйиб, “Қирқбелни билармикан бу?” деб ўйлади. (“Сўнгги ўқ”)

Гапда келтирилган *Қирқбел* сўзи қишлоқ номини англатади, қишлоқ ва унинг номи ўртасидаги алоқадорлик асосида метонимик кўчим ҳосил бўлган.

Эртага бир ўзинг “Леопард”га келасан. (“Энг кичик жиноят”)

Леопард сўзи орқали кафе назарда тутилган бўлиб, бу ҳам алоқадорлик асосидаги кўчимдир.

Ошга кириб келишаётганида эшик олдида Сиддиқ Охун йўқ эди (“Сўнгги ўқ”) гапида *ош* сўзи билан *ош* берилаётган хонадон ўртасидаги алоқадорлик мавжуд.

3. Машина ва унинг номи ўртасидаги алоқадорлик:

“Газик”нинг гилдираклари гўё ҳар бир тош, ҳар бир чуқурликни пайпаслаб топаётгандай эди – машина тинмай чайқаларди. (“Сўнгги ўқ”); Сандронинг оқ “Мерс”и қани? — деди Дилия ажабланиб. (“Энг кичик жиноят”)

Мисолларда *газик* ва *мерс* сўзлари орқали шу русумдаги машиналар назарда тутилган. Ана шу алоқадорлик метонимик кўчим юзага чиқишига асос бўлган.

4. Пул ва унинг миқдори ўртасидаги алоқадорлик:

Моҳина кампир шундай деб мингирлаб, камзулининг чўнтагидан икки юз сўм чиқариб узатди.

— *Ёшингизнинг ҳурмати учун, майли, беш юздан кечдим.* (“Энг кичик жиноят”)

Биринчи гапда *икки юз сўм* ифодаси меъёрий ҳолатдаги тил бирлиги бўлиб, иккинчи гапда *беш юздан кечдим* бирикмасида сўм сўзи тушириб қолдирилган. Пул бирлиги ва унинг миқдори ўртасидаги боғлиқлик метонимияни ҳосил қилган.

5. Йил ва унинг тартиби ўртасидаги алоқадорлик:

Ўттиз еттида учрашганимизда шундан афсусда эди (“Сўнги ўқ”) гапидаги *ўттиз еттида* сўзи орқали йил ва унинг тартиби ўртасидаги алоқадорлик ифодаланган.

Демак, метонимия ҳодиси бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш ҳодисаси экан.

“Баъзи адабиётларда метафоранинг бир тури сифатида эътироф этилган синекдоха ҳодисаси, асли метонимиянинг бир кўринишидир. Чунки унда ҳам метафорадан фарқли равишда ўхшашликдан кўра боғлиқлик, алоқадорлик жиҳатлари устун”.¹

Синекдоха ҳодисаси ҳам кўчимнинг бир тури бўлиб, унинг воситасида шахс ё предметнинг номи ўрнида бирор бўлак орқали ўша тушунча берилади. Синекдоха ҳодисасига Азим Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да шундай таъриф берилади:

“Синекдоха (юн. *synekdoche* – бирга назарда тутмоқ) – бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ва аксинча бўлиб

¹ Муҳаммаджонова Г. 80-90-йиллар охири ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. НДА. –Т., 2004. Б.19

қолиши. Масалан, олма: 1) меванинг бир тури ва 2) шу меванинг дарахти.¹

Демак, юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, синекдоханинг икки турини белгилаш мумкин:

1. Бутунни бўлак ифолайди.
2. Бўлакни бутун ифодалайди.

Тоҳир Малик асарларида, асосан, инсон тана аъзоларининг (бўлакларнинг) инсон номи ўрнида (бутун) қўлланганини кузатишимиз мумкин:

*Яхши ҳамки бу **пачоқ бурун** шунчаки кулимсиради.* (“Сўнгги ўқ”)

*Зум ўтмай эшик қия очилиб, **гўштдор башара** кўринди.* (“Сўнгги ўқ”)

*Жаҳонгир остонада таниш **чехрани** кўриб, аввал кўзларига ишонмади.* (“Сўнгги ўқ”)

*Бу кунда топталган кўкатнинг оҳли қўшиғини тингловчи **юракни** қайдан топамиз?* (“Сўнгги ўқ”)

*Неча юз йил савлат тўкиб турган, неча минг илм толибига бошпана бериб, неча **юмуқ кўзларнинг** очилишига гувоҳ бўлган, неча **дилнинг** сирини бағрига сингдирган бу иморатни қучоқлаб бўлмаса, ярасига малҳам топиб бўлмаса.* (“Сўнгги ўқ”)

*Шу онда унга жўра эмас, гапларини тинглайдиган бир **қулоқ** зарур эди.* (“Энг кичик жиноят”)

Адиб асарларида инсон тана аъзолари *бурун, башара, чехра, юрак, дил, кўз, қулоқ* сўзлари (қисмлар) орқали инсонлар (бутун) назарда тутилган бўлиб, бу ифодалар орқали сўзловчининг объектга бўлган муносабати ҳам ифодаланади. Юқоридаги мисолларда келтирилган *юрак, кўз, дил, қулоқ* сўзлари орқали нейтрал муносабат ифодаланган бўлса, *чехра* сўзи орқали ижобий эмоционал муносабат,

¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. —Т., 2002. Б.88.

пачоқ бурун ва гўштдор башара бирикмалари орқали салбий эмоционал муносабат ифодаланган.

Демак, синекдоха ҳодисаси бутун ва қисм муносабати асосидаги кўчим ҳодисасидир.

Баъзан инсон тана аъзолари номлари шахс маъносидан ташқари, бошқа маъноларда ҳам қўлланилиши мумкин. Тоҳир Малик кўз сўзини “инсон” маъносида ҳам, “юлдуз” маъносида ҳам қўллаган:

Ҳар куни юзлаб кўзларнинг нафрат билан боқишига чидаб яшаш мумкинми? (“Сўнгги ўқ”)

Ушбу мисолдаги *юзлаб кўзлар* бирикмаси “инсонлар” маъносини ифодалаган ва синекдоха ҳодисасини юзага чиқарган.

Куйидаги мисолда қўлланган *минг-минг кўзлар* бирикмаси эса “юлдузлар” маъносини ифодалаб, метафорик кўчим ҳосил қилган. Буни *кўзлар* сўзи билан бир нутқ қуршовида қўлланган *осмон* сўзи тасдиқлайди:

Назаримда, осмон унга минг-минг кўзларини тикиб, ҳайрон-лол турарди. (“Сўнгги ўқ”)

Тоҳир Малик асарларидан олинган куйидаги мисолларда ҳам шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин:

У ўрнидан туриб аввал паканани, сўнг шопмўйловни янчиб ташлагиси келди. (“Сўнгги ўқ”)

Улар ўттиз еттида омон қолишди, урушга боришмади, урушдан кейин ҳам мўйловнинг қаҳрига учрашмади. (“Сўнгги ўқ”)

Биринчи мисолда қўлланган *пакана*, *шопмўйлов* сўзлари “ноаниқ бир шахс” маъносида қўлланган бўлса, иккинчи мисолда *шопмўйлов* сўзи конкрет бир шахс – Сталин маъносида қўлланган. Гапдаги *пакана* сўзи метонимик кўчимни ҳосил қилган бўлган, *шопмўйлов* сўзи синекдоха асосида кўчган лексик бирликдир.

Кўришимиз мумкинки, Тоҳир Малик сўзларнинг коннотатив маъно ифодалаш имкониятларидан ўз асарларида моҳирона ва ўринли фойдаланган ижодкордир.

II боб бўйича хулоса

Бадиий асар лексикаси ўзининг ранг – баранглиги билан ажралиб туради. Чунки бадиий асарларда инсон ҳаётининг ҳамма томонлари акс этади. Бу ҳол бадиий адабиётда шевага хос сўзларнинг ҳам, касб – ҳунарга оид лексемаларнинг ҳам, варваризм, вульгаризм, жаргон ва арголарнинг ҳам қўлланилишига олиб келади. Тоҳир Малик асарларида экзотизмлар маълум бир услубий мақсадни – бадиий асарларда тасвирланаётган воқеа – ҳодисаларга маҳаллий руҳ бериш мақсадини ифодалаган бўлса, варваризм, вульгаризм ва жаргонлар персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, маълум бир гуруҳларга хос хусусиятларни акс эттириш мақсадида қўлланган. Шунингдек, адиб асарларида диний тушунча ифодаловчи лексемалар, одоб – ахлоққа оид сўзлар ҳам алоҳида ўрин тутадик, улар ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган лексемаларни шакл ва маъно муносабатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, адиб антоним ва синонимлардан моҳирона фойдаланганини кўришимиз мумкин.

Градация усулида уюшган синоним бўлаклар орқали фикрни аста-секинлик билан кучайтириб ифодалаш имкониятига эришилади. Тоҳир Малик ижодида ҳам лексемаларнинг бундай хусусиятларидан ўринли фойдаланилган.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган оғзаки нутқ лексикаси адиб асарлари тилининг бадиий – эстетик таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадиий тилнинг таъсирчан, жозибадор бўлишини ҳам таъминлайди.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган метафоралар моҳиятан кенг маънодаги предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг тасвирий номи сифатида семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади: 1) ичимлик номлари билан боғлиқ метафоралар; 2) зоонимлар билан боғлиқ метафоралар;

3) афсонавий-диний номлар билан боғлиқ метафоралар; 4) предмет номлари билан боғлиқ метафоралар.

Тоҳир Малик асарларида метонимиянинг қуйидаги кўринишлари учрайди: 1) шахс ва унинг белгиси ўртасидаги алоқадорлик; 2) жой ва унинг номи ўртасидаги алоқадорлик; 3) машина ва унинг номи ўртасидаги алоқадорлик; 4) пул ва унинг миқдори ўртасидаги алоқадорлик; 5) йил ва унинг тартиби ўртасидаги алоқадорлик каби.

Адиб асарларида инсон тана аъзолари *бурун, башара, чехра, юрак, кўз, қулоқ* сўзлари (қисмлар) орқали инсонлар (бутун) назарда тутилган бўлиб, бу ифодалар орқали сўзловчининг объектга бўлган муносабати ҳам ифодаланади.

УЧИНЧИ БОБ.

ТОҲИР МАЛИК АСАРЛАРИДА БАРҚАРОР БИРИКМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

3.1. Фразеологик бирликларнинг адиб асарларида тутган ўрни

Ўзбек тили соҳасида ҳам миллий руҳ ва миллий имкониятларни тиклаш учун ҳаракат кучайди. Сўнгги йилларда ўзбек тилини илмий тадқиқ этишнинг қатор йўналишлари ривожланди. Шундай йўналишлардан бири барқарор бирикмалар бўлиб, улар илмий адабиётларда парема, идиома атамалари билан номланади.

Парема, паремия юнонча — масал, рамзли ҳикоя маъносини англатувчи сўз. Маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор, мантиқий умумлашма сифатида пайдо бўлган турғун ибора, мақол, матал.¹

Маъноси таркибидаги луғавий бирликларнинг асл маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолида бир кўчма маъно берувчи сўз ёки сўзлар боғланмаси идиомалардир.²

Барқарор бирикмалар таркибига ибора, мақол, матал, афоризм (ҳикматли сўзлар) киритилади.

Фразеологик бирликлар тилшуносликнинг фразеология бўлими тадқиқот объекти ҳисобланади. Даставвал, фразеологизмлар лексикология таркибида ўрганилган. XX асрнинг 50 – йилларидан бошлабгина фразеология тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида ажралиб чиққан.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик 3-том. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. Б.222.

² Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. — Т., 1955. Б.26

Фразеологиянинг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши ва ривожланишида машҳур рус тилшуноси В.В.Виноградовнинг хизматлари алоҳида аҳамият касб этади. В.В.Виноградов таълимоти собиқ шўролар даврида империя ҳудудидаги барча тилларнинг фразеологияси шаклланиши учун асос вазифасини ўтаган. Жумладан, ўзбек фразеологияси ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек фразеологиясининг шаклланишида Ш.Раҳматуллаев, Е.Д.Пинхасов, М.Хусайинов каби олимларнинг алоҳида ўрни бор.

Таниқли тилшунос Ш.Раҳматуллаев ўзбек фразеологиясининг илмий асосда чуқур ўрганилиши ва такомиллашувига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим ҳисобланади. У ўзининг фразеологизмлар тадқиқига бағишланган бир қатор изланишлари билан ўзбек фразеологиясига асос солди.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни услубий ўрганиш ҳам йўлга қўйилганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарлари фразеологизмларининг услубий қўлланиш хусусиятлари кўпгина номзодлик диссертациялари ўз аксини топган.

Б.Йўлдошевнинг докторлик диссертациясида фразеологизмлар илк бор функционал – услубий жиҳатдан систем ҳолатда ўрганилди. Унда фразеологизмларнинг функционал – услубий тавсифи, нутқ жараёнидаги узуал ва окказионал вазифалари, бадиий матндаги прагматик имкониятлари бой тил материаллари асосида тадқиқ этилди.¹

Абдумурод Маматов ўз тадқиқотларида фразеологик норма муаммосини ўртага қўйди ҳамда фразеологик норма ва фразеологик вариант ўртасидаги муносабатни ёритиб берди.²

Абдуғофур Маматовнинг “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” номли докторлик диссертациясида ўзбек

¹ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал – услубий хусусиятлари. ДДА —Т., 1993.

² Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. —Т., 1991.

тилшунослигида фразеологизмлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, системаси, қонунияти ва босқичлари монографик йўсинда илк бор атрофлича ўрганиб чиқилди.¹

Шундай қилиб, Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеология мактаби такомиллашиб, ривожланиб бормоқда.

“Маълумки, бадий асарнинг асосий вазифалари қаторига, ахборотни етказиш билан бир қаторда, ўқувчини етказилаётган маълумотга ишонтириш вазифаси ҳам киради. Ишонтиришнинг асосий воситаси фикрни бўёқдор, оҳангдор йўсинда ифодалашдир. Айнан мақол ва фразеологизмлар нутқнинг жозибадор, таъсирчан бўлишини таъминлайди”².

Ўзбек тилида луғавий маъно ифодалашда фразеологик бирликларнинг аҳамияти катта. “Иборалар ёки фразеологизмлар бу тил мазмунини янада бойитувчи маънавий хазинадир”³. Фикр фразеологик бирликларда луғавий бирликларга нисбатан кенгроқ, ифодалироқ тарзда тушунтирилади. Фразеологик бирликлар халқ онги, тафаккури маҳсули бўлиб, аввало оғзаки нутқда пайдо бўлади, кейин тил бирлиги сифатида қабул қилинади. Шу сабабли фразеологик бирликларни нутқда қўллаш уни оғзаки нутққа яқинлаштиради, нутқда фразеологик бирликлардан ифодалиликни оширишда кенг фойдаланилади.

“... бадий адабиёт тили ёзувчига халқ ҳаётини ўймакорларча тасвирлаш учун қулай материал ва таъсирчан бадий бўёқлар беради.”² Ибора ана шундай хусусиятга эгалиги билан ҳам бошқа тили бирликларидан ажралиб туради. “Ибора мустақил туркумларга мансуб биттадан ортиқ сўздан таркиб топган бир бутун семантик ҳамда грамматик бирлик сифатида гавдаланади. Ибора луғавий маъно

¹ Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. —Т., 1999; Шу муаллиф. Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари. —Т.: Наврўз, 1997.

² Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. НДА. —Самарқанд, 2004. Б. 12.

³ Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография) Самарқанд, 2006.Б-127, б. 49.

² Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадий маҳорати. Тошкент – 2003, б. 32.

англантиш учун хизмат қилади. Шунга кўра, у луғавий бирлик ҳисобланади ва шу жиҳатдан сўз билан бир қаторга қўйилади. Масалан: “кўнглидан ўтказди” ибораси “ўйламоқ” сўзи англантиган маънони ... билдиради. Бу ибораларда биттадан ортиқ сўз ўз маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда бир умумий маъно марказига бўйсунди”.¹

Ш. Раҳматуллаевнинг фикрича, “биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиш жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англантивчи луғавий бирликка ибора (фразеологик бирлик) дейилади. Бу ўринда “луғавий бирлик” дейиш билан иборани эркин боғланмадан, “биттадан ортиқ” деб таъкидлаш билан содда сўзлардан, “лексик негизлар” деб таъкидлаш билан аналитик формадан, “бирикмага, гапга тенг” деб таъкидлаш билан кўшма сўздан, “яхлитлигича устама кўчма маъно” деб таъкидлаш билан тўғри маъноли турғун бирикмадан фарқлаймиз”.²

Тоҳир Малик асарларида бадиий асар таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида халқимиз бебаҳо бойлиги бўлган иборалардан ҳам унумли фойдаланилган. *Иши беш, қазосини топмоқ, оғзи очилиб қолмоқ, ҳуши учмоқ, ўтакаси ёрилмоқ, ора очик, гап талашмоқ, кўзи қиймади, ғамини ичига ютмоқ, қайси шамол учирди, тақдирга тан бермоқ, бош тортмоқ, бош қотирмоқ, кўз тегмасин, феъли тор, тузини ичмоқ, кўзи ёримоқ, кўзи илинмоқ, кўнглини юмшатмоқ, тилга кирмоқ, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолмоқ, жони қаттиқ, қаҳри қаттиқ* кабилар шулар жумласидандир.

Қуйидаги матнда ибора (каллasi бутун) ўзидан олдинги иккита гапнинг мазмунига тенг келмоқда, яъни иккита гап орқали ифодаланган фикр битта ибора орқали ифодаланса ҳам, мазмунга путур етмас эди:

¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. —Т.: “Ўқитувчи”, 1975. Б.7-8.

² Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. —Т.: “Фан”, 1970. Б.56

— Шариповни ёшликдан ким билади бу қишлоқда?

— Соқи бобо билиши мумкин, тўқсон йилнинг у ёқ — бу ёғидаги гапни сўрайверасиз. Ким қайга борган, нима деган — хатосиз айтиб беради. Бобонинг калласи бутун. (“Сўнгги ўқ”)

“Лисоний бирлик сифатида фраземаларга ҳам худди лексемаларда бўлганидек, номлаш вазифаси ва маълум бир маънони билдириш вазифаси хос. Фақат фразеологик birlikларнинг айрим турларида номлаш вазифаси йўқ.

Фраземада икки ва ундан ортиқ лексема ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда бир умумий маъно марказига бўйсунди, фраземадан яхлитлигича англашиладиган маънони гавдалантириш учун хизмат қилади. Фраземадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги лексемалардан англашиладиган маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, умумлашма, устама маъно, айти вақтда кўчма маъно сифатида гавдаланади. Масалан, *жонини жабборга бер-* фраземаси “бор кучини сафарбар қилгани ҳолда фаолият кўрсат-” маъносини англатади; бу маъно — *жон-*, *жаббор-*, *бер-* лексемалари англатадиган маъноларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки маълум образга асосланадиган умумлашма кўчма маъно.

Лексемада бўлганидек, фраземанинг мазмун жиҳатида ҳам икки ҳодиса ажратилади: 1) луғавий маъно, аниқроғи — фразеологик маъно; 2) баҳо семаси.

Фраземанинг воқеликка нисбат бериладиган луғавий мазмуни (ниманидир англатиши, ифодалаши) фразеологик маъно дейилади”.¹

Тоҳир Малик асарларида қўлланган *иши беш* фраземаси “омадли”, “муваффақиятли” маъносини, *қазосини топмоқ* ибораси “ўлмоқ”, “вафот этмоқ” маъносини, *гап талашмоқ* ибораси

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 2-китоб. —Т., 2010. Б.175

“тортишмоқ”, “жанжаллашмоқ” маъносини, *тақдирга тан бермоқ* фраземаси “кўнмоқ”, “рози бўлмоқ” маъноларини ифодалайди.

“Фразема мазмун жиҳатининг воқеликка муносабат билдириш белгисига баҳо семаси дейилади. Баҳо семасининг лексемалардаги ва фраземалардаги мавқеи фарқли.

Баҳо семаси лексемаларнинг кўпида бетараф бўлади, яққол ифодаланиб турмайди; баъзан эса баҳо семаси лексемани турлича маъно муносабатига киритиш, турлича қўллаш билан ҳосил қилинади. Фраземаларнинг кўпида эса баҳо семаси унинг мазмун жиҳатида доимий таркибий қисм бўлиб қатнашади, баъзан фраземанинг луғавий маъносини бутунлай қамраб олади.

“Фраземалар одатда воқеликни номлабгина қолмай, уни баҳолайди ҳам. Фраземанинг тилда яшашини оқлаб турадиган асосий сабаблардан бири шу.”¹ Масалан, Тоҳир Малик асарларида *ўтакаси ёрилмоқ* фраземаси “ортиқ даражада кўрқиб кетмоқ”, *огзи очилиб қолмоқ* ибораси “ҳаддан ташқари ҳайрон бўлмоқ” маъноларини англатиб, бир вақтнинг ўзида маълум воқеликни номлайди, шу билан бир вақтда сўзловчининг воқеликка муносабатини ҳам ифодалайди.

Тоҳир Малик асарларида қўлланган ибораларни семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. “Шахс” маъноли фразеологизмлар. Фразеологизмлар, асосан, шахс тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг бирор тарздаги тасавури, хатти – ҳаракати, физиологик ҳамда психик ҳолатларини ифодалайди.

Лекин “ёши бир ерга бориб қолганлар” ҳам ўзларини душман ўқидан пана қилишарди. (“Сўнгги ўқ”)

Э, йўқ, бу аммамнинг бузоғидан ўғри чиқмайди. (“Сўнгги ўқ”)

Гапларда қўлланган *ёши бир ерга бориб қолганлар* ибораси “кексалар”, “қариялар” маъноларини англатиб, шахслар гуруҳини

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 2-китоб. —Т., 2010. Б.177-178.

ифодалайди. *Аммамнинг бузоғи* ибораси эса “лапашанг”, “ландовур”, “ювош” маъноларини билдиради, шундай хусусиятга эга шахслар эса мана шу ибора орқали номланади. Адиб бу иборани шахс маъносида қўллаш орқали унга хос хусусиятларни ҳам кўрсатиб берган.

2. “Белги” маъноли фразеологизмлар:

Барвақт ўлим ҳеч кимга ёқмайди, биродар, ҳатто учига чиққан жиноятчи ҳам жондан тўймайди.

Учига чиққан ибораси “ўтакетган”, “ҳаддан ташқари” маъноларини англатади. Адиб бу иборани *жиноятчи* сўзининг аниқловчиси сифатида қўллаб, “энг оғир жиноятларни содир этган шахс” маъносини ифодалаган.

Жаҳонгир бу йигитнинг феъли торроқ эканини билиб, ҳазил билан жавоб берди... (“Сўнгги ўқ”)

Гапда феъли тор ибораси қўлланган бўлиб, у “инжиқ”, “гап кўтара олмайдиган” маъноларини ифодалайди. Қуйидаги мисолда эса *палаги тоза* ибораси насл – насаб билан боғлиқ белгини билдиради.

Йўқ, палаги тоза бунинг. (“Сўнгги ўқ”)

Димоғи баланд фраземаси “мағрур”, “кибрли”, “бировнинг олдида бош эгмайдиган” маъноларини англатгани сабабли шахсга хос белги – хусусиятларни ифодалайди.

Аҳмоқ экансан-ку? Ё димоғинг баландми? — деди Браун унинг изидан. (“Энг кичик жиноят”)

Тоҳир Малик асарларида қўлланган иборалар фақатгина шахсларга хос белги – хусусиятларни англатиш билан чегараланмай, предмет ва нарсга – ҳодисаларга хос белгиларни ҳам ифодалайди:

Ошни ўзим қулинг ўргилсин қилиб дамлаб берардим (“Сўнгги ўқ”) гапида *қулинг ўргилсин* ибораси қўлланган. Бу ибора, асосан, эркаклар нутқида қўлланади ва “ажойиб”, “мазали” маъноларини англатади.

3. “Ҳаракат – ҳолат” маъноли фразеологизмлар. Бундай фразеологизмлар Тоҳир Малик асарларида салмоқли ўрин эгаллайди.

Бу туришда илигим тўғнаб қолади (“Сўнгги ўқ”) гапида қўлланган *илиги тўғнаб қолмоқ* ибораси “совқотмоқ” сўзи англатган маънони ифодалайди. Лекин *илиги тўғнаб қолмоқ* ибораси баҳо семасига эга бўлиб, “ўта даражада” маъносига эгаллиги билан “совқотмоқ” сўзи англатган маънодан фарқланади. Яъни, ушбу контекстда ибора маънони кучайтириш, бўрттириб ифодалаш учун хизмат қилган.

Бу энангни уйими, кўнглинга қарайдиган. Ғинғишмай ўтир, бўлмаса адабингни ейсан. (“Сўнгги ўқ”)

Келтирилган гапда қўлланган *кўнглига қарамоқ* ибораси “раъйига қарамоқ”, “ён бермоқ” маъноларини ифодалаб келган, *адабингни ейсан* фраземаси эса контекстда “жазолайман” маъносида қўлланган. Қуйидаги гапда эса *йўлдан озмоқ* фразеологизми келтирилган бўлиб, бу ибора “ёмон йўлга кирмоқ”, “айнимоқ” маъноларини англатади:

Акам тўғри йўлдан озган эди, ўзинг мағфират қил уни. (“Сўнгги ўқ”)

Тоҳир Малик *изига тушмоқ, исини олмоқ* ибораларини ёнма-ён қўллаш орқали бу ибораларга хос кетма – кетликни, ўзаро боғлиқликни кўрсатиб бера олган:

Хитойдан келганлардан биттасининг изига тушувдим. Лойиниям, тилласиниям исини олувдим. (“Сўнгги ўқ”)

Нонини туя қилмоқ фраземаси “бўш – баёвлигидан фойдаланиб, алдаб – сулдаб ҳақини ўзлаштирмоқ”¹ маъноларини англатади:

Ўзбекнинг нонини туя қилмасин, деб излаб келдим. (“Сўнгги ўқ”)

4. “Пайт” маъноли фразеологизмлар:

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. — Т., 1978

Атроф қишлоқларни тиз чўктира олган Зафарбек Мухаммадризога тегмади. Аксинча, дўпти тор келганда йиққан-терганини унга ишонди. (“Сўнгги ўқ”)

Гапда қўлланган *дўпти тор келганда* ибораси “илож-имконсиз, оғир аҳволга тушган пайтда” маъносини англатади.

Бир матн таркибида бир неча иборалар қўлланиб, асарнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга хизмат қилади. Масалан:

Муҳлатингиз тугаяпти, агар ишни тезроқ юмалоқ-ёстиқ қилмасангиз, ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Ўшанда мен тўнимни тескари кийиб оламан. (“Сўнгги ўқ”)

Юқоридаги матнда қўлланган *юмалоқ - ёстиқ қилмоқ, ҳолига маймунлар йиғламоқ, тўнини тескари киймоқ* иборалари ҳаракат-ҳолат маъноли фразеологизмлар бўлиб, *юмалоқ-ёстиқ қилмоқ* “бирор ишни бориचा, чала – чулпа бўлса ҳам тезроқ тугатмоқ” маъносини, *ҳолига маймунлар йиғламоқ* фраземаси “жуда ҳам ачинарли аҳволга тушиб қолмоқ” маъносини, *тўнини тескари киймоқ* ибораси “ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ” маъноларини ифодалаб, улар кетма – кет рўй берадиган воқеа – ҳодисаларни кўрсатиш учун хизмат қилган.

Ибораларни ҳосил қилишда маъно кўчишининг фақат метафора усулидан фойдаланилади. Бунда метафорага хос бўлган шакл, ранг, хусусият белгилари кузатилмайди. Фақат ҳолат ва ҳаракат белгиларини кўриш мумкин.¹

Кейин қорин гамини енг (“Сўнгги ўқ”) гапида қўлланган *гамини емоқ* ибораси *емоқ* феълининг кўчма маъноси асосида ҳосил бўлган.

Фразеологизмлар сўз бирикмаси таркибидаги бирор сўзни ё бутун бирикмани маълум бир образ асосида кўчма маънода қўллаш йўли билан ҳосил бўлади, унинг маъноси ҳам шу йўл билан юзага келади. Тоҳир Малик қўллаган *қайси шамол учирди, тақдирга тан бермоқ, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолмоқ, оғзи қулоғида*

¹ Умиров И. Кўчим асосли турғун бирикмалар // Тил ва адабиёт таълими. 2005. 5-с. Б.63-64.

фразеологизмларининг маъноси бутун бирикмани ёки гапни образли тарзда кўчма маънода қўллаш асосида ҳосил бўлган.

Хуллас, Тоҳир Малик асарларини таҳлил қилиш орқали унинг тил бирлиги бўлган ибораларни қўллашда ҳам ўзига маҳорат эгаси эканини кўришимиз мумкин.

3.2. Тоҳир Маликнинг мақоллардан фойдаланиш маҳорати

“Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг – баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни таъсир этувчи, ҳис – ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр – мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эгадур. Уларнинг кишилиқ жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятга молик эканини жаҳон донишмандлари қадим – қадимдан эътироф этиб, қайта – қайта уқтириб келганлар... Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шу бебаҳо маънавий меросимиз ҳисобланади”.¹

Мақоллар ҳам узоқ даврлардан буён тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда. Бу борадаги муҳим ишлар сирасига Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, Х.Абдурахмонов, М.Абдурахимов, М.Содиқова, Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов, М.Садриддинова, Б.Жўраева каби олимларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин.²

Маълумки, тил кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унда типик барқарор категориялар билан бир қаторда оралиқ ҳодисалар ҳам учраб туради. Худди шундай ҳолатни мақол ва матал оралиғида ҳам кўриш мумкин. Тилшуносликда мақол ва маталларни маъно томонидан чегаралаш мақсадга мувофиқдир, чунки улар берилаётган хабарни ифодалаш характериға кўра бир – биридан фарқ қилади. Матал нутқда хабар бериш воситаси бўлса, мақол шу хабарни жонли тимсолларда

¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Т., 1990, б. 7-8.

² Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. Нега шундай деймиз. — Т., 1988; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома: Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. — Т., 1990; Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц. АҚД —Т., 1977; Абдурахимов М. Ўзбекча – русча афоризмлар луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1986; Содиқова М. Қисқача ўзбекча – русча мақол, маталлар луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1993; Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1984; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок. АҚД. —Т., 1985; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий – услубий қўлланилиши. НДА. —Самарқанд, 2008.

етказиш, уни далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланади. Масалан, матал: Хавф – хатардан қўрққан мақсадга етолмас.

Шу маънонинг мақолларда ифодаланиши:

Чумчуқдан қўрққан тарик эмас.

Ўғридан қўрққан мол йиғмас.

Учкундан қўрққан темирчи бўлмас.

Илондан қўрққан олачилвирдан хатламас.¹

Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” асарида халқимизнинг бебаҳо мулки бўлган мақоллардан унумли фойдаланган. Адиб қўллаган мақоллар мавзу жиҳатидан кенг ва хилма-хилдир.

Тоҳир Малик “Ер тўйса, эл тўяди” мақолини илм ўрганиб, уни фойдали ишларга сарф этиш мазмунида қўллайди: “Илмли бўлиш инсонга ўз хурматини оширмоқ ва иззатини сақламоқ учун ҳам керакдир. Илм бошқаларга ўргатиш учунгина қўлга киритилса, одамнинг ўзи ундан бирор наф кўрмаса, у сувидан барча фойдаланадиган, лекин ўзи бебаҳра булоққа ўхшаб қолади. Икки нарсадан: илм ва мол-дунёдан одам аввал ўзи фойдаланиб, сўнг бошқаларга улашиб бериши керак, дейдилар. Агар ерни одамга қиёсласак, ёмғир илмдир. Ёмғирдан ернинг ўзи ҳам манфаат кўради, тўяди ва шунинг эвазига бағрида экинлар ўстиради, мева беради... Ернинг ёмғир сувига тўйиши, сўнг мева бериши, бағрида тўпланган сувдан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши илмга амал қилмоқликка бир ишора”.

Адиб кейинги йилларда хорижга борган айрим ёшларимизнинг асл мақсадлари илм олиш бўлмаганини хориж ҳаммомига бориб, ювинмай қайтиб келганликка ўхшатади ва уларга нисбатан машҳур ўзбек халқ мақолини қўллайди: “Номлари улуғ: чет элда ўқиб келган, аммо супраси қуруқ – бошда илм йўқ, бирон-бир ишни эпполмайди”.

¹ Бу ҳақда қаранг: Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий – услубий қўлланилиши. Филол.фан.номзоди...дисс.автореф. – Самарқанд, 2008.

Айрим халқ мақоллари Тоҳир Малик ижодида озгина ўзгаришлар билан қўлланган. Адиб “Оқил дўсти бор кишининг ойнага муҳтожлиги йўқ” деган мақолни биз сал ўзгартириб: “Хоин дўсти бор кишининг душманга муҳтожлиги йўқ” десак қалай бўларкин?” дейди

“Оқил дўсти бор кишининг ойнага муҳтожлиги йўқ” мақолининг мазмуни қуйидагича: оқил дўст сенга ойна ўрнини босади, ойнада инсоннинг камчиликлари кўринганидек, оқил дўст ҳам худди ойнадек сенинг камчиликларингни юзингга айтиб, бошқаларга кулги бўлишингдан саклайди. Тоҳир Малик бу мақолдаги *оқил* сўзини *хоин* сўзи билан, *ойна* сўзини эса *душман* сўзи билан алмаштирган. Натижада мавжуд мақолга қарама-қарши мазмундаги мақол пайдо бўлган.

Тоҳир Малик қўллаган мақолларда сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларини ҳосил қилувчи антоним ва синоним сўзлардан кенг фойдаланилган. Масалан: “Сен ўзингга дўст ахтар, душман ўчоқ бошидадир” мақолида *дўст* – *душман* антоним сўзлари қўлланган. Шунингдек, бу мақолда метафорик кўчимни ҳам кўришимиз мумкин, яъни *ўчоқ боши* ифодасидаги *бош* сўзи кўчма маънода ишлатилган.

“Олдин ўйла, кейин сўйла” мақолида антоним равишлар (олдин - кейин) қўлланган, шунингдек, *ўйла* сўзига қофия топиш мақсадида *сўзла* эмас, *сўйла* феъли келтирилган. “Бефойда гапни кўп айтма, фойдали гапни эшитишдан ҳеч қайтма” мақолида сифат туркумига оид антоним сўзлар иштирок этган: бефойда – фойдали. “Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл” мақолида эса *биринчи* ва *охиргиси* антоним сўзлари қанташиб, тазод санъатини юзага чиқарган.

Қуйидаги мақол ҳам антоним сўзлар асосига қурилган: “Оғзимдан чиқмаган сўзим қулимдир, айтганим эса ҳожам”. Бу мақолда от туркумига (кул - ҳожа) ва феълнинг сифатдош шаклига оид сўзлар (оғзимдан чиқмаган - айтганим) антоним бўлиб келган.

“Одамийлик мулки” асарида қўлланган яхши сўз ва ёмон сўз мавзусидаги мақолларда *қилич, шамшир, пичоқ, ўқ* каби предмет номлари кўплаб келтирилади. Масалан, “Танадаги қилич ва ўқ яраси битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди”, “Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди”, “Сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир”, “Қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди”, “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар” каби.

Юқорида келтирилган сўзлар айрим мақолларда ўз маъносида, айрим мақолларда кўчма маънода қўлланган. Масалан, “Танадаги қилич ва ўқ яраси битиб кетади”, “Темир шамшир, қилич баданни жароҳатлайди” каби қўлланишларда *қилич, ўқ, шамшир, пичоқ* сўзлари ўз маъносида қўлланган. Шунингдек, *ўқ яраси* бирикмасидаги *яра* сўзи ҳам ўз маъносида ишлатилган. Лекин “тил яраси”, “сўз ўқи”, “сўз қиличи” бирикмаларидаги *яра, ўқ, қилич* сўзлари метафора асосида кўчган лексик бирликлардир.

“Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши” мақолида ўхшатиш муносабати мавжуд бўлса, “Қизил оёқ келиб қизил юздан жудо қилди” мақолида эса кўчимнинг метафора туридан унумли фойдаланилган. *Қизил оёқ* “келин” маъносида, *қизил юз* “ота-она”, “қариндошлар” маъносида ишлатилган.

Мақолларда кўпроқ отлашган сўзлар қўлланади. Масалан, Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарида қўлланган одоб – ахлоқ мавзусидаги “Аҳмоқдан ақл ўрган”, “Қозонга яқин юрсанг қораси юқади” мақоллари таркибидаги *аҳмоқ, қораси* сўзлари отлашган сифат бўлса, “Гапни гапир уққанга – жонни жонга суққанга” мақоли таркибида отлашган сифатдош мавжуд.

Маънодошлик мақолларда анча кенг тарқалган семантик категориялардан биридир. Мақоллар ўзаро маънодошлик муносабатида бўлиши учун, асосан, қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- 1) ягона маъно асосига эгалик;
- 2) бир тематик гуруҳга тегишлилик;
- 3) ҳар бир мақол алоҳида образ асосига қурилган бўлиши;
- 4) айрим мазмун нозиклари ва қўлланиш даражаси билан фарқланиши.

Мақоллар синонимлигининг энг асосий омили уларнинг шаклларида, образларида қатъи назар, мазмун жиҳатидан бири иккинчисининг ўрнида қўллана олиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Бундай алмаштириш натижасида маънода, услубий бўёқда маълум ўзгариш юз беради. Бу – табиий. Акс ҳолда алмаштириш ўз мантиқини йўқотиб қўяди. Алмаштириш натижасида нимадандир халос бўламиз, нимагадир эга бўламиз. Ана шу “нималар” синоним ҳақида гапириш учун асос бўлади. Акс ҳолда синонимга эмас, дублетга эга бўлинади¹.

Ўзбек халқ мақоллари луғатларига таяниб, 220 тадан ортик синонимик уя топишга эришилган. Бу синонимик уяларга 1100 тадан зиёдроқ мақол кирган. Лексик синонимияда бир уяга иккитадан тортиб ўнтагача, баъзан эса ўнтадан ортик сўз бирлашса, фразеологик синонимияда бир уя энг кўпи билан бешта иборадан ташкил топса, мақоллар синонимиясида бир уяга 20 тагача мақол бирлашуви аниқланган.²

Тоҳир Малик ҳам ўз асарларида синоним мақоллардан кенг фойдаланган. У бирон-бир мавзу ҳақида баҳс юритар экан, ўша мавзу моҳиятига мос бир неча халқ мақолларини келтиради ҳамда уларни изоҳлайди. Мисолларга мурожаат қиламиз:

“Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”, “Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади”, деган мақоллар мағзини чақиш керак. Бу мақоллар ақлли одамларга нисбатан айтилган. Ҳар қандай ақлли одам ҳаёт йўлида озми-кўпми қоқилиб туради. Ақлли одамлар тубан ва ярамас муҳитга тушиб қолсалар, тезда ундан қутулишга ҳаракат қилишлари зарур. Муайян

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари — Т.: “Фан”, 1966, б. 55.

² Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-лисоний услубий қўлланиши НДА. — Самарқанд, 2002, б.13.

вазиятда ақлини йўқотмаган одам умуман ҳеч нарсани йўқотмайди. Кимки кўр-кўрона номаълум йўлга чиқса, халқнинг тўғри кетаётган йўлидан узоқлашади ва қанча кўп йўл юрса, шунча кўп адашади”. (“Одамийлик мулки”).

Адиб қўллаган қуйидаги мақоллар ҳам синоним мақоллардир:

1. Танадаги қилич ва ўқ яраси битиб кетади. Лекин қалб яраси ҳеч вақт тузалмайди.
2. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди.
3. Бадан заҳардан, қалб ёмон сўздан ўлади.
4. Сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир.
5. Қилич баданни, тил эса қалбни яралайди.

Бу синоним мақоллар изоҳи ҳақида адиб шундай ёзади: “Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳари найзадек санчилади” , — деганлар ҳазрат Навоий. – Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас. Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулоим сўз вахшийларни улфатга айлантиради. Сеҳргар оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради. Сўзда ҳар қандай яхшилиқнинг имкони бор. Шунинг учун айтадиларки, “нафаснинг жони бор”.

Сўз туя бурнига ўхшаш, унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир, етовга юраверади. Демак, масала уни қай томон етаклашда! Кишининг сўзи жонга роҳат бергувчи бўлмаса, сўзламаслик керак” (“Одамийлик мулки”).

Тоҳир Малик қўллаган қуйидаги мақоллар ҳам синоним мақолларга мисолдир:

1. “Сихат тиласанг – кўп ема, иззат тиласанг – кўп дема”.
2. “Тан касалининг сабаби кўп емоқдир, қалб касалининг сабаби кўп демоқдир”.
3. “Кўп демак – сўзга мағрурлик, кўп емоқ нафсга бандалиқдир”.

4. “Кўп гапирган кўп янглишади, кўп еган кўп йиқилади”.
5. “Бефойда сўзни кўп айтма, фойдали сўзни эшитишдан қайтма”.

Бу мақолларда инсонлардаги кўп гапириш иллоти қораланади, яъни инсон қанча кўп гапирса, у ўз ҳурматиини шунчалик тез йўқотади.

Тоҳир Малик ўз асарларида “Сабр таги-олтин”, “Сабр қилсанг ғўрадин ҳолва битар”; “Бошга тушганни кўз кўрар”, “Бошга тушса йиғламас” каби синоним мақоллардан ва “Қуш парвоз учун инсон эса бахтиёр бўлиш учун яралган”, “Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди” каби синоним афоризмлардан ҳам фойдаланган. “Афоризмлар (юнонча “*aphorismos*” – ҳикматли сўз) – ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар. Масалан: Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис. (А.Навоий)”¹.

Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарида адиб ижодига хос афоризмлар кўплаб қўлланган. Унда илм мавзусидаги афоризмларни кўплаб учратамиз:

1. “Илм – ҳамма муҳтож бўладиган озиқдир”.
2. “Илм инсон учун нон ва туздек зарурдир”.

Қуйидаги синоним мақолларда эса нафсга бандалик иллоти қораланади:

1. “Нафсим менинг балодир...”
2. Олмонларда “Пул бераман десанг, шайтон ҳам рақсга тушади”, деган мақол бор.

Бу мақолларда шундай мазмун мужассам: Одамнинг энг зўр душмани ўз нафсидир. Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай ғанимки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Кибру ҳаво унинг доимий ҳамроҳидир. Нафс шайтоннинг энг ишончли куролидир. Нафснинг сўзига кирган инсон ҳеч нарсадан қайтмайди ва оқибатда ўзини тубанликка маҳкум этади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. —Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б. 118

Халқимизда “Айтилмаган сир – дилингни сири, Айтган сўнг сен – сирнинг асири” деган мақол бор. Тоҳир Малик ўз асарида бу мақолнинг синоними бўлган “Оғзимдан чиқмаган сўзим кулимдир, айтганим эса холам” мақолидан фойдаланган.

Асарда қўлланган мақолларни қиёсий –тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист –фонолог, лексиколог, лексикограф, лингвогеограф, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган мақолларга қиёсласак, улар ўртасида ҳам маънодошлик ҳодисаси борлигини кузатиш мумкин. “Одамийлик мулки” асарида “Ҳолва деган билан оғиз чучимас” мақоли қўлланган бўлиб, у “Девону луғотит турк” асаридаги “Ўт деган билан оғиз куймас” мақолининг синонимидир. Ёки асарда қўлланган “Одам оласи ичида” мақолига “Девон”даги “Қарғанинг қарисини ким билад олади, кишининг оласини ким топа олади” мақоли синонимдир.

Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарида “Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичади” мақоли қўлланган. М.Кошғарий ҳам худди шу маънода “Буғдой орқасидан қорамуғ ҳам сув ичади” деган мақолни қўллаган.

Бу мақоллар ҳам маънодош мақоллар ҳисобланади.

Мақолларда вариантлик ҳодисаси ҳам синоним сингари анча кенг тарқалган. Маъноси асосан бир хил бўлиб, ифода планида фарқланадиган мақоллар ўзаро вариантликни ташкил этади.

Мақоллардаги вариантликни характерловчи асосий белгилар сифатида қуйидагилар олинади:

- 1) турли – туман ўзгартиришлар туфайли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, ҳаммаси бир манбага, бир асосга бирлашуви шарт;
- 2) асосида айна бир образ ётиши лозим;
- 3) уларнинг барчаси айна бир маънони англатиши керак. (Улар ўзаро маънонинг кучли – кучсизлигида, нутқий, услубий белгиларида фарқ қилиши мумкин);

4) лексик таркиби жуда яқин, ўхшаш бўлиши даркор.

Хуллас, вариантланиш туфайли бир мақол бошқа мақолга айланмайди, бир мақолга хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантланиш натижасида юз берадиган ўзгаришлар мақолларга хос яхлитликни емирмайди, балки мақолга хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқеа бўлади.

Мақолларда вариантлилик ҳодисасини кузатиш асосида улар қуйидагича гуруҳланган:

1. Лексик вариантлар.
2. Грамматик вариантлар

Лексик вариантлар мақоллар таркибидаги сўз ёки сўзларнинг ўзгариши билан (*Бош омон бўлса, дўппи топилади – Бош омон бўлса, мол топилади; Эчкига жон қайғуси, қассобга мой қайғуси – Эчкига жон, қассобга мой қайғуси; Пичоқ ўз сопини кесмас – Пичоқ қанча ўткир бўлса ҳам, ўз сопини кесмас*), грамматик вариантлар эса мақол таркибининг грамматик ўзгариши билан (*Қурбақани босса, вақ этади – Қурбақани боссангиз вақ дейди – Боссанг қурба ҳам вақ этади; Хатга тушдинг, ўтга тушдинг – Хатга тушдингми, ўтга тушдинг; Чиққан қиз чигириқдан ташқарида – Чиққан қиз чийриқдан ташқари; Осмон узоқ - ер қаттиқ – Ер қаттиқ , осмон узоқ)* юзага келади. Баъзан айни вақтда ҳам лексик таркиб, ҳам грамматик таркиб ўзгаради (*Ўғри ўғрини қоронғида топади – Ўғри ўғри билан қоронғи кечада топишади – Ўғри ўғрини қоронғида ҳам танийди*). Бундай ўзгариш билан ҳосил бўлган вариант лексик-грамматик вариант деб юритилади. Бу тур мақоллар икки турнинг хусусиятларини бирлаштиради.

Тоҳир Малик асарларида лексик вариантлар кенг учрайди. Ёзувчи айрим мақолларни атайин ўзгартиради. Масалан: “Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват-она жисмидаги қон. Чақалоқ шу қондан озиқланиб, ҳаётини сақлайди (*Сут билан кирган жон билан чиқади* деган мақолни *Қон билан кирган жон билан чиқади* деганимиз тўғрироқ бўлади.)

Кейинги мақолда *сут* сўзи *қон* сўзи билан алмаштирилган, яъни мақолнинг варианты ҳосил қилинган.

Халқимизда “Сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар” мақоли бор. Адиб уни “Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади” тарзида қўлланган. Адиб қўллаган мақолда халқ мақолидан *сут* сўзи тушириб қолдирилган, *ҳам* юкламаси эса орттирилган.

Тоҳир Малик асарда “Сабр таги – олтин ” мақолини ишлатган . “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламларида бу мақолнинг қуйидаги вариантларини учратдик: “Сабр сўнги - сўм олтин”; “Сабр таги сариқ олтин, Сабр билан чиқар отинг”.

Муаллиф “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар” мақолини ҳам қўллаган. Бу мақолнинг халқда “Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан қилич қинидан чиқар” варианты ҳам бор. Мазкур мақолларда ўзгартирилган сўзлар *пичоқ* ва *қилич* сўзларидир. Бу сўзлардан бирини икинчисининг ўрнида қўллаш мақол мазмунига путур етказмайди, чунки пичоқ ҳам, қилич ҳам кескир предметлардир.

Асарда “Дўстлар бошга кулфат тушганда топиладилар” мақолини ҳам учратдик. Бу мақол ҳам “Дўст дўстни кулфатда синар”, “Дўст бошга кулфат тушганда билинади” мақолларининг лексик вариантларидир.

Муаллиф томонидан “Аҳмоқдан ақл ўрган” мақоли ҳам қўлланган бўлиб, халқимизда бу мақолнинг “Одобни одобсиздан ўрган ” варианты ҳам бор.

Мақол ва афоризмларнинг услубий вазифасига қуйидагиларни киритиш мумкин¹:

1. Сарлавҳа бўлиш вазифаси. Халқ мақоллари ёзувчилар томонидан асарларининг номи сифатида қўлланади. Масалан, Одил Ёкубовнинг “Эр бошига иш тушса...”, Шухратнинг “Олтин зангламас”, Ў.Хошимовнинг

¹ Тоҳир Малик асарларидаги мақолларнинг услубий вазифалари тадқиқида Б.Жўраеванинг таснифига таянилди. Қаранг: Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий – услубий қўлланилиши. НДА. —Самарқанд, 2008.

“Нур борки , соя бор” романлари, А.Қахҳорнинг “Икки ёрти –бир бутун” ҳикояси мақоллар билан номланган. Асарнинг боблари, газета ёки журнал рубрикалари ҳам мақоллар билан номланиши мумкин.

Тоҳир Маликнинг биз таҳлил қилаётган асарида ҳам мақоллар бобларнинг номи сифатида қўлланган. Асарда “Бемехр қариндошдан меҳр билган ёт яхши”, “Нафсим менинг балодир”, “Нодонлигин тан олмас нодон”, “Тилингни авайла, омондир бошинг”, “Тоқатлига тоғлар эгар бошини” каби мақоллар билан номланган боблар мавжуд.

2. Эпиграф бўлиш вазифаси.

Адабиётимизда айрим муаллифлар мақолларни эпиграф сифатида ишлатиб, ўз мақсадлари ва асар ғоясини ўқувчига эпиграф – мақол билан англатадилар. Ўзининг бир неча ҳикояларида эпиграф мақоллар ишлатиб алоҳида маҳорат кўрсатган ёзувчилардан бири Абдулла Қахҳордир. “Отнинг ўлими – итнинг байрами” (Ўғри), “Зўри беҳуда миён мешиканад” (“Тўйда аза”), “Осмон узок , ер қатик” (“Бемор”) эпиграфлари ёзувчи ҳикояларида мазмун билан чамбарчас боғланган бўлиб, асар ғоясини ишонарли қилиб очиб беришга хизмат қилган.

Тоҳир Малик асарининг “Бахт” деб номланувчи иккинчи фасли “Бахтиёрлик ичра сен” бобида “Қуш парвоз учун, инсон эса бахтиёр бўлиш учун яралгандир” афоризми эпиграф вазифасини бажарган. “Ақлни ва оқилни асрайлик” бобига эса муаллиф эпиграф сифатида “Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир” афоризмини танлаган. “Тилингни авайла, омондир бошинг” бобининг эпиграфи сифатида бир неча мақоллар ўзгаришга учраган ҳолда келтирилган. Халқимизда “Тил тиғи қилич тиғидан ўткир”, “Сўз найзадан ўткир” каби мақоллар мавжуд. Тоҳир Малик “Тилингни авайла–омондир бошинг” бобида қуйидаги эпиграфни келтиради: “Дарахтни кессалар, унинг илдизидан бир шохча кўқариб, унинг ўрнини босади”.

Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди. Бадан

захардан, қалб ёмон сўздан ўлади. Чунки сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир. Эндиги суҳбатимиз шу ҳақда.

Асарнинг “Нафсим менинг балодир ...” бобига “Одамнинг энг зўр душмани ўз нафсидир ” мақоли эпиграф сифатида танланган.

Кўришиб турганидек, Тоҳир Малик қайси мавзуда баҳс юритмоқчи бўлса, ўша мавзуга мос халқ мақолларини эпиграф қилиб келтирган ва улар боб мазмуни билан чамбарчас боғланган ҳолда ёзувчи мақсадини тўлақонли очиб беришга хизмат қилган.

3. Асар ёки бобнинг бошланмаси бўлиш вазифаси.

Мақоллар бадиий асарнинг ёки асардаги бирор бобнинг бошланмаси тарзида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Қўшчинор чироқлари” романи қуйидагича бошланади: “Қазисан, қартасан, ахир зотингга тортасан! - дейди кампир омборни кулфлаётиб”.

Тоҳир Малик асаридаги “Не эрур бу жаҳолат” бобининг бир бўлими ҳам афоризм билан бошланади: “Ақлли одамларнинг душманлиги жоҳил одамларнинг дўстлигидан кўра яхшидир ”. Асарнинг “Нодонлигин тан олмас нодон” боби ҳам “Нодондан қанчалик узоқ бўлсанг, бошинг шунчалик саломат бўлади” мақоли билан бошланади.

4. Боб ёки эпизоднинг тугалланмаси бўлиш вазифаси.

Мақоллар ва афоризмлар воқеа, ҳодиса ёки предметни қисқа ва лўнда тарзда характерлай олиш хусусиятига эга бўлгани учун уларни бадиий асрнинг ёки асардаги бирор бобнинг, эпизоднинг тугалланмаси, якуни тарзида қўллаш мумкин. “Зарбулмасал” асаридаги кўпгина эпизодлар, персонажлар нутқининг мақоллар билан ниҳояланиши фикримизнинг яққол далилидир: *Онаси қабзланиб айтдиким: Эй болам, “Бош омон бўлса, дўпти топитур”*.

Тоҳир Малик ҳам ўз асаридаги “Севган суйганига этар итоат” бобини қуйидаги афоризм билан якунлайди:

“Муҳаббатсиз киши мисоли музлик, юз жони бўлса ҳам ўликдир ўлик”.

5. Таъсирчанлик ҳосил қилиш вазифаси.

Мақоллар матн таркибида баъзан оддий гаплар билан ёнма –ён келиб, гап ифодалаб келган маънони кучайтиришга хизмат қилиши мумкин: “Донолардан бири деган экан: Эй дўстим, агар сенда фазл дарёсининг дур-гавҳари бор бўлса, уларни насихатларга амал қилувчи кишиларнинг оёқлари остига тўк. Насихатларинг зое кетмайди”. Зеро халқимизда “Гапни гапир укқанга –жонни жонга суққанга” деган ибратли мақол бор”. (“Одамийлик мулки”)

Бир синонимик қаторга мансуб, лекин маъновий ёки услубий жиҳатдан фарқланувчи икки мақол ёнма-ён қўлланганда ҳам таъсирчанлик ҳосил бўлади: “Агар мен ўз вазифамни бажармай, танбаллик ва итоатсизлик қилсам, мени отамнинг уйига қайтариб юборишингиз мумкин. Бунинг учун ҳеч ранжимаيمان. “Бошга тушганни кўз кўрар”, “Бошга тушса йиғламас”, дейдилар. Мен сиздан шуларнигина илтимос қиламан...” (“Одамийлик мулки”)

6. Сатира ва юмор ҳосил қилиш вазифаси.

Юмор ва сатира яратиш воситалари орасида мақоллар алоҳида ўрин тутади. Бу эса мақолларнинг ички табиати билан боғлиқ. Мақоллар персонаж нутқини, унинг сўзлаш оҳангидаги юмористик ёки сатирик ишорани таъкидлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан:

“Телевизордаги бир кўрсатувда тадбиркор хоним “Сабр таги сариқ –олтин” деган мақол ҳозирги давримизга тўғри келмай қолди”, дейди. Во ажаб! Унда “Сабр қилсанг ғўрадан ҳолва битар”, деган мақол ҳам эскидир? Бу хоним каби калта ўйлайдиганлар ҳолва битишини кутмай, сабр қилмай, ғўрани (довуччани) еб ичбуруғ бўлиб юришибди-ку, бунга нима дейсиз? Энди уларнинг давоси нима бўлади?” (“Одамийлик мулки”)

“... Подшоҳ сарой аъёнлари ҳамкорлигида хонақоҳга борди. Дарвеш либосидаги ўтинчи одамлар шарпасини эшитса ҳам тасбеҳ ўтирганича кимир этмай ўтираверади. Подшоҳ унинг ёнига яқинлашиб салом берди. Алик олинмади. Подшоҳ ундан исмини сўради. Жавоб бўлмади. Подшоҳ ўтинчидан дуо қилишини сўради. Илтимоси ҳам жавобсиз қолган подшоҳ аччиқланди. Бу одам вазирининг устози эди.” “Устози қип-қизил аҳмоқнинг ўзи-ку”, деб изига қайтди-да, вазирни чорлади. Норозилигини бирданига ифода этмай вазирни донолик билан кармоққа илинтирмоқчи бўлди.

- Сенинг ҳар балога ақлинг етади. Қани айт-чи, бир аҳмоққа рўпара бўлиб қолсанг нима қилғон бўлардинг?

- Доноларнинг ҳикматига амал қилардим.

- Донолар нима деганлар?

- Аҳмоққа дуч келсанг, сукут қил, деганлар.

Бу жавобдан сўнг подшоҳнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг. (“Одамийлик мулки”)

7. Нутқни ихчамлаштириш вазифаси.

Мақолларда турли ижтимоий муносабатларнинг ихчам ва лўнда ифодаси акс этган бўлади. Халқ мақолларидаги ихчамлик, лўндалик, ҳайратомуз мантикий изчиллик ҳамма вақт кишиларни ўзига мафтун этиб келади, ёзувчи ва нотикларимиз учун эса беқиёс хазина манбаи ҳисобланади. Мақолларнинг қисқарган, эллипсисга учраган шакллари ҳам нутқда ихчамлик ва образлилик учун хизмат қилади. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, Тоҳир Малик асарида “Тоқатлига тоғлар эгар бошини” ва “Нафсим менинг балодир ” каби мақоллар қўлланган, яъни уларнинг ҳақиқий кўринишлари қуйидагича:

“Тоқатлига тоғлар эгар бошини,

Бетоқатнинг итлар еяр ошини”.

Ёки

“Нафсим менинг балодир

Ўтдан чўкка солодир”.

8.Образли ифодалаш вазифаси.

Мақоллар фикрни лўнда, аниқ ифодалаш билан бирга образли тарзда баён этишда ҳам нутқимиз учун зарурий восита ҳисобланади. Шу боис: “Сўз кўрки –мақол ”, - дейди доно халқимиз. Чиндан ҳам ҳар бири тилимиз кўркини, нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримизни хайратомуз бир қудрат билан намоиш этган ва эта оладиган бадиият катралари – мақоллар она тилимизнинг тасвирийлигини ранг –баранг образларда бера олиши билан ҳам гўзалдир:

“Халқимизда “Қизил оёқ келиб, қизил юздан жудо қилди”, деган мақол бор. Бу келин келиб, ўғлимни ўзиники қилиб олди, дегани. Айрим аёлларда ўғлини қизғониш ҳисси бўлади. Балки шу ҳис онада келинга нисбатан норозилик уйғотар. (“Одамийлик мулки”)

“...Ёмон хулқли хотинларга нисбатан энг сўнгги чора мақолда ҳам айтилган: “Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутуласан, хотиннинг ёмон бўлса, қўйиб қутуласан”. Бу сўнгги чорадан Аллоҳ асрасин. Ёмон хулқли аёлларга хушхулқ насиб этсин”. (“Одамийлик мулки”)

9. Баҳолаш вазифаси.

Мақоллар учун бирор предмет ёки воқеа-ҳодиса ҳақида ҳукм ифодалаш билан бирга, уларга салбий ёки ижобий баҳо бериш вазифаси ҳам хосдир. Баҳо вазифали мақоллар бадиий асарда фаол характерловчи воситадир. Улар ёрдамида турли воқеа – ҳодисаларга, предметларга бўлган муаллиф муносабати ифодаланади, бир персонаж иккинчисини ёки муаллиф персонажларни ана шундай мақоллар ёрдамида тавсифлайди:

“...Улфат, ошна деган тушунчалар бор. Чойхонадаги ошга ёки уйдаги “гап”га келмаганлардан гина қиламиз, бундай улфатга қўшилмаганлардан ҳатто нафратланасиз. Аммо кўполроқ бўлса ҳам бир ҳақиқат бор.” “От ва эшак бир оҳурда хашак есалар ҳам, дўст бўлмайдилар”. (“Одамийлик мулки”)

“...кўрмаганнинг кўргани курсин” деган мақол бежиз тўқилмаган экан, деган хулосага келяпмиз. Бир қарасанг, кичкина камтарона ҳаёт кечираётган танишимизнинг тагида қўш машина, сароймонанд уй қурган. Биродарлари билан қўл учида сўрашади. Яна бир қарасак, машиналар ҳам, уйлар ҳам сотилган... Кечаги бой бугун қулоғига қадар қарзга ботган. “Эй Худо, бошимга нега бу балоларни солдинг!” деб Роббимга даъво ҳам қилади. Бундайларга халқнинг жавоби тайёр: “Кўрпангга қараб оёқ узатгин эди”. (“Одамийлик мулки”)

Мақоллар, афоризмлар таркибида бирикмали гап бўлақларини ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, “Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ – уни азобламоқдир” мақолида отлашган сўз (кекса) қўлланган. Эгалар бирикмали ҳолда ифодаланган: *кексани тарбияламоқ* ва *бўрини тарбияламоқ*. Феълнинг ҳаракат номи шакли ўзи боғланган сўз (тўлдирувчи) билан биргаликда эга вазифасида қўлланган.

Тоҳир Малик ўз асарларида эллиптик мақоллардан кенг фойдаланган, яъни асарда айрим мақоллар бир қисми тушириб қолдирилган ҳолда ишлатилган. Масалан, халқимизда “Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битар, Бесабрлар ўз оёғидан йитар” мақоли бор.

“Одамийлик мулки” асарида бу мақол “Сабр қилсанг, ғўрадин ҳолва битар” тарзида эллипсисга учраган ҳолда қўлланган. Ёки асарда “Қозонга яқин юрсанг қораси юқади” мақолини учратамиз. Бу мақол аслида шундай: “Қозонга ёндашсанг, қораси юқар, Ёмонга ёндашсанг, яраси юқар”. Ёки “Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.”

“Нафсим менинг балодир, Ўтдан чўққа соладир” мақолининг ҳам асарда бир қисми (“Нафсим менинг балодир...”) қўлланган.

Халқимизда “Қирғоғини кўриб бўзини ол, Онасини кўриб қизини ол” мақоли мавжуд. Асарда бу мақол ҳам эллипсисга учраган ҳолда ишлатилган: “Онасини кўргину қизини ол”.

Мақоллар, асосан, шахси умумлашган гаплардан иборат бўлади. Тоҳир Малик асарида ҳам шахси умумлашган гап типдаги мақоллар кўп учрайди. Мисоллар:

Аҳмоқдан ақл ўрган.

Домланинг айтганини қил, қилганини қилма.

Сихат тиласанг кўп ема.

Тинглашда биринчи, гапиришда эса охиргиси бўл.

Бундай гапларнинг кесими аниқ шахсни кўрсатиб турса ҳам, бу шахс мазмун жиҳатидан умумлашган бўлади. Шунга кўра бундай гаплар одатда эгасиз бўлади. Бундай ўринларда кесимнинг шахс –сонига қараб, одатда, шунга мос олмошни эга қилиб келтириб бўлмайди: гапнинг характери, типи бошқача бўлиб кетади.

Бу типдаги гапларнинг кесими кўпинча иккинчи шахснинг бирлиги (баъзан учинчи шахс) шаклидаги феъл билан ифодаланади, лекин бу феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бир шахс эмас, балки ҳар кимдир, унинг мазмуни ҳаммага қаратилгандир.

Шахси умумлашган гаплар, юқорида мисоллар орқали кўриб ўтганимиздек, кўпинча мақолларда учрайди. Мақолларнинг мазмун характери шуни талаб қилади.

Мисоллардан кўринадики, бундай гапларда кесим ҳар хил шаклдаги феъллар билан ифодаланади.

1. Кўпинча буйруқ шаклида бўлиб, одатда иккинчи шахснинг бирлиги шаклида келади: “Гапни гапир уққанга –жонни жонга суққанга”;

2. Аниқлик майли шаклида келади: “Бошга тушганни кўз кўрар”. “Гапнинг бу тури турмуш тажрибасидан келиб чиққан хулосаларни, маълум, одатдаги ҳодисаларни умумлашган шаклда беради, шунга кўра унинг мазмуни насиҳат, маслаҳат, бирор ишнинг бажарилишидаги

зарурлик ё зарур эмасликини констатация қилиш каби характерда бўлади”¹.

Мазмуни умумийлик характерига эга бўлган бундай гаплар баъзан эга билан ҳам қўлланади. Бу эга табиий, жуда ҳам умумий, ноаниқ маънодаги (*киши, одам, ҳар ким*) сўзлар билан ифодаланган бўлади. Баъзан стилистик сабаб билан бош келишидаги *сен* (баъзан *сиз*) олмошининг ўзи қўлланади. Бундай ҳолларда эга отлашган сўзлардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу гаплар шахси умумлашганлик жиҳатдан юқоридаги типни кўрсатса ҳам, структурасига кўра уларда эга ҳам иштирок этади. Бундай гапларнинг кесими эгага қараб ҳар хил шаклларда келади: иккинчи шахс олмоши эга бўлиб келганда, кесим, табиий шу шахсни кўрсатадиган феъл билан (кўпинча ҳозирги –келаси замон феъли билан), бошқа ҳолларда учинчи шахсни кўрсатадиган феъл билан ифодаланади. Тоҳир Малик қўллаган “Сен ўзингга дўст ахтар, душман ўчоқ бошидадир” мақоли ҳамда “Кимки ўз тенги билан бўлмаса, охирда пушаймон ейди”, “Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди”, “Ҳар ким бахтни ўз қаричи билан ўлчайди” афоризмлари шундай гапларга мисолдир.

Мисоллардан кўринадики, мазмуни умумлашган гаплар содда гаплардан ҳам, қўшма гаплардан ҳам иборат бўлиши мумкин ва улар асосан, мақоллар таркибида қўлланади.

Тоҳир Малик асарида содда гап кўринишидаги мақоллар ҳам, қўшма гап шаклидаги мақоллар ҳам қўлланган.

Содда гап кўринишидаги мақолларга мисоллар:

“Ҳар дам юз марта ўлгандан кўра, бир марта ўлиб қўя қолганим маъқул”, “Сут билан кирган жон билан чиқади”, “Дўстлар бошга кулфат тушганда таниладилар”, “Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхшироқ” ва ҳоказо.

¹ Ғуломов А.Ғ., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис) — Т., 1987.

Асарда боғловчисиз қўшма гап типигаги мақоллар кенг қўлланган. Мисолларга мурожаат этамиз: “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, “Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ уни азобламоқдир”, “Ит хурақ – карвон ўтар”, “Тилини авайла – омондир бошинг”, “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ кинидан чиқар”, “Дунё подшолиги – фоний, охират шоҳлиги – боқий”.

Асарда боғланган қўшма гап типигаги мақоллар боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гапларга нисбатан камроқ миқдорни ташкил этади. Мисоллар: “Оғзимдан чиқмаган сўзим қулимдир, айтганим эса хошам”, “Танадаги қилич ва ўқ яраси битиб кетади, лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди”.

“Одамийлик мулки” асарида эргаш гапли қўшма гап типигаги мақоллар, асосан, шарт эргаш гапли қўшма гаплардан иборат. “Ер тўйса, эл тўяди”, “Сабр қилсанг, ғўрадиган ҳолва битар”, “Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон чекмасанг, жонона қайда”.

Шунингдек, асарда ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап типигаги афоризмлар ҳам кўп учрайди. Мисоллар: “Пўст мағизга қандайин яқин бўлса, дўст ҳам муҳаббатда сенга яқин бўлсин”, “Ҳар бир гулнинг тикони бўлгани каби, ҳар дўстнинг ҳам нуқсони бўлиши табиий”.

Асарда тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап кўринишидаги мақоллар ҳам қўлланган. Масалан, “Кимки дўстликни хор айлабди, уни қисмат жазолагай” каби. Қуйидаги мақол эса даража –миқдор эргаш гапли қўшма гапга мисолдир: “Нодондан қанчалик узоқ бўлсанг, бошинг шунчалик саломат бўлади”.

III боб бўйича хулоса

Тоҳир Малик асарларида бадиий асар таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида иборалардан унумли фойдаланилган. Ёзувчи асарларида қўлланган фраземаларни семантик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) шахс маъноли фразеологизмлар; 2) белги маъноли фразеологизмлар; 3) ҳаракат – ҳолат маъноли фразеологизмлар; 4) пайт маъноли фразеологизмлар.

Тоҳир Малик асарларида бир матн таркибида бир неча иборалар қўлланиб, асарнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга хизмат қилади.

Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” асарида халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган мақоллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, унда рус, араб, олмонларнинг мақоллари ҳам мавзуга мос равишда ўринли келтирилган.

Адиб ўз асарида синоним мақоллардан кенг фойдаланган. У бирон – бир мавзу ҳақида баҳс юритар экан, ўша мавзу моҳиятига мос бир неча халқ мақолларини келтиради. Шунингдек, халқ мақоллари таркибидаги айрим сўзларни ёки грамматик шаклларни ўзгартириб қўллаш орқали мақоллардаги вариантлилиқ ҳодисасининг юзага чиқишига ҳисса қўшади.

Тоҳир Малик қўллаган мақоллар асардаги бобларнинг номи сифатида, эпиграф сифатида, асар ёки бобнинг бошланмаси сифатида, боб ёки эпизоднинг тугалланмаси сифатида турли услубий мақсадларда ишлатилган. Шу билан бирга, адиб қўллаган мақоллар таъсирчанлик ҳосил қилиш, сатира ва юмор ҳосил қилиш, нутқни ихчамлаштириш, образли ифодалаш, баҳолаш вазифасини ҳам бажаради.

Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” асарида эллиптик мақоллардан кенг фойдаланган. Шунингдек, асарда шахси умумлашган гап типидagi

мақоллар ҳам кўп учрайди. Унда содда гап кўринишидаги, боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гап типигаги мақоллар ҳам қўлланган.

ХУЛОСА

1. Бадиий асар тилининг таъсирчан бўлишида тил элементлари катта ўрин тутди. Улар воқеа-ҳодисаларни ёритишда, характерларни очишда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳар бир ижодкор бадиий тилнинг ифода воситаларини ўз ўрнида тўғри қўллай билишга ҳаракат қилади.

2. Бадиий нутқда адабий тил меъёрларига доимо амал қилинади. Шу билан бирга, меъёрдан чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилади. Эстетик мазмунни, образлиликни, экспрессивликни шакллантириш мақсадида шоир ва ёзувчилар персонажлар нутқида адабий тил меъёрларига мос келмайдиган тил бирликларини ҳам қўллайдилар.

3. Тил алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системаси бўлибгина қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Тилнинг таъсир қилувчи кучи бадиий адабиёт орқали намоён бўлади. Бадиий асарларда қўлланилган фонетик, морфологик, лексик ва бошқа тил бирликларининг бадиий-эстетик функцияларини алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Фонетик ўзгаришларнинг уч хил тури (товуш тушиши, товуш орттирилиши, товуш алмашиши) мавжуд бўлиб, Тоҳир Малик асарларида ҳар учала ҳолатни ҳам кузатишимиз мумкин. Тоҳир Малик ўз асарларида лексемаларнинг сўзлашув услубига мансуб вариантларини қўллаб, ўз персонажлари нутқининг халқ тилига яқинлигини таъминлаган. Бу ифода воситалари нутқнинг табиий ва оригинал чиқишига ҳисса қўшган.

5. Бадиий асар тилида морфологик шаклларнинг қўлланилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар орқали нутқ

таъсирчанлигига эришиш, шу белгилар орқали маълум хусусиятларни кўрсатиш мумкин бўлади.

6. Бадиий асар лексикаси ўзининг ранг – баранглиги билан ажралиб туради. Чунки бадиий асарларда инсон ҳаётининг ҳамма томонлари акс этади. Бу ҳол бадиий адабиётда шевага хос сўзларнинг ҳам, касб – ҳунарга оид лексемаларнинг ҳам, варваризм, вульгаризм, жаргон ва арголарнинг ҳам қўлланилишига олиб келади. Тоҳир Малик асарларида экзотизмлар маълум бир услубий мақсадни – бадиий асарларда тасвирланаётган воқеа – ҳодисаларга маҳаллий руҳ бериш мақсадини ифодалаган бўлса, варваризм, вульгаризм ва жаргонлар персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, маълум бир гуруҳларга хос хусусиятларни акс эттириш мақсадида қўлланган. Шунингдек, адиб асарларида диний тушунча ифодаловчи лексемалар, одоб – ахлоққа оид сўзлар ҳам алоҳида ўрин тутадик, улар ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

7. Тоҳир Малик асарларида қўлланган лексемаларни шакл ва маъно муносабатига кўра таҳлил қиладиган бўлсак, адиб антоним ва синонимлардан моҳирона фойдаланганини, уюшган синоним бўлаклар орқали градация усулини ҳосил қилганини кўришимиз мумкин.

8. Тоҳир Малик ўз асарларида луғавий полисемик birlikлардан унумли ва моҳирона фойдаланган. Зеро, ҳар қандай бадиий асар тилини бундай birlikларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тоҳир Малик ўз асарларида полисемантик сўзлар ёрдамида кўчимнинг деярли барча турларидан фойдаланган. Энг кўп қўлланилган кўчим турлари сифатида метафора ва метонимияни кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек ижодкор кўчимнинг синекдоха туридан ҳам моҳирона фойдаланган.

9. Халқ маънавияти, оғзаки нутқ ижод маҳсули ҳисобланган иборалар ёки турғун бирикмалар ўз шакли ва маъноси замирида шу халққа

хос зукколик, ифодадаги аниқлик ва образлиликни намоён этади. Шу сабабли ибора ва турғун бирикмалардан фойдаланилганда, нутқ мазмуни янада кучайиб, ифодалилиги ортади. Чунки ибора ва турғун бирикмалар лексик бирликларга нисбатан кенгроқ мазмун мундарижасига, образлироқ ифода шаклига эга бўлади. Шунинг учун ҳам Тоҳир Малик ўз асарларида халқ тилидан олинган бундай воситалардан усталик билан фойдаланган. Бу эса ўз ўрнида асарларнинг юқори бадиий савияда ёзилганини кўрсатувчи омиллардан биридир.

10. Тоҳир Малик ўз асарларида халқимизнинг бебаҳо мулки бўлган халқ мақолларидан ҳам унумли фойдаланган. Айниқса, адибнинг “Одамийлик мулки” асарида мақоллар жуда кўп қўлланган бўлиб, улар ёшларимизда илмга, ватанга муҳаббат, ота-онага, катталарга ҳурмат, дўстга садоқат, сўзга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Karimov I. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. T.: O'zbekiston, 2011.
2. Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. —T.: Ma'naviyat, 2008.
3. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг фойдаланиши. – Т., 1983.
4. Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. АКД. — Ташкент, 1966.
5. Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. НДА. –Самарқанд, 2004.
6. Гоголь. Литературная газета. 1965. 4 ноябрь
7. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий – услубий қўлланилиши. НДА. – Самарқанд, 2008.
8. Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография). — Самарқанд, 2006.
9. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. НДА. –Т., 2000.
10. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. ДДА. —Т., 1993.
11. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М.—Л., 1960.
12. Маматов А.Е. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т.: Фан, 1991.
13. Маматов А. Ўзбек тилида фразеологик шаклланиш. ДДА. – Т., 1999.
14. Маматов А. Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари. —Т.: Наврўз, 1997.
15. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. —Тошкент: Фан, 1975.

- 16.Муҳаммаджонова Г. 80-90-йиллар охири ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. НДА. –Т., 2004.
- 17.Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. Тошкент – 2003.
- 18.Нурмонов А. Танланган асарлар, 3-жилд. —Т.: “Академнашр”, 2012.
- 19.Нурмонов А. Лисоний бирликларда умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса диалектикаси. Танланган асарлар. 3-жилд. —Т.: “Академнашр”, 2012.
- 20.Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. —Т.: “Фан”, 1970.
- 21.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари — Т.: “Фан”, 1966.
- 22.Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. НДА. —Самарқанд, 2001.
- 23.Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. —Т.: “Ўқитувчи”, 1975.
- 24.Умиров И. Кўчим асосли турғун бирикмалар // Тил ва адабиёт таълими. 2005. 5-с.
- 25.Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона, 2010.
26. Хусаинов М. Фразеология прозы писательница Айдын. АКД. — Самарқанд, 1959.
- 27.Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Т., 1990.
- 28.Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Нега шундай деймиз. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1988.
- 29.Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. —М., 1950.
- 30.Ўзбек тили лексикологияси. —Т.: “Фан”, 1981.
- 31.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли —Т.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
- 32.Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси.Тошкнт.1985.

- 33.Қобилжонова Г. Метафора ва метонимия муносабати // ФДУ, Хабарлар, 1997. 1-2-сон. Б.138.
- 34.Кобулжонова Г. Ўзбек тилида метафоранинг лингвистик талқини. НДА. — Тошкент, 1999.
- 35.Ғойипов С. Эмоционал-экспрессив лексик қатлам ҳақида.”Ўзбек тили ва адабиёти”.1976, 5-сон.
- 36.Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. —Т.: “Ўқитувчи”, 1977.
37. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили (синтаксис). —Т., 1987.
- 38.Ҳакимов М. Ўзбек тили прагматикасини ўрганиш. —Фарғона, 2011.
- 39.Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. Фонетика, лексикология, морфология. —Тошкент: Фан, 1966. — Б.114-149.
40. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. —Т., 2002.